

Yangi O'zbekistonni birgalikda quramiz!



e-mail: xxi\_asr@mail.uz



8-APREL  
2021-YIL  
14 (908)

web sayt: www.21asr.uz

@XXIasrofficial

ASR IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

**УШБУ СОНДА:**

Хўжаободдаги хўжасизлик



4

Тадбиркорлик кодекси қандай бўлиши керак?



5

Қишлоқда қолган олим



7

Тоғлар қуламас экан



9


Театрда тик-ток

ёхуд эгасини тополмаётган спектакллар



12

**9 АПРЕЛЬ – СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН**



Уламо билан  
суҳбатда бўлдим  
ва пок ниятли,  
тоза қалбли  
кишиларга  
талпиндим.  
Уларнинг  
ҳимматларидан  
улуш тиланиб,  
муборак нафаслари  
билан дуо-фотиҳа  
беришларини  
ўтиндим.

**Арзон, қулай ва тезкор!**

Энди почтани кутиб ўтиришга ҳоҳмат йўқ.  
Наشريтини электрон версиясига обуна бўлинг.  
Бунинг учун телефонингизга  
“Play Market” ёки  
“App Store”дан “XXI asr”  
иловасини юклаб олиб, пул ўтказсангиз кифоя.



# ХАЛҚИМ, СЕНИНГ ҲОЛИНГ НЕЧУК?

Хар бир депутат ўзига ишонч билдириб сайлаган одамлар орасида юриб, уларни қийнаётган муаммоларга ечим излашга астойдил киришсагина, уларнинг меҳрини, ишончини янада мустаҳкамлашга эришади. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлисидаги фракцияси аъзолари ҳам шу мақсадда айна кунларда вилоятларда бўлиб, сайловчиларининг дарду ташвиши, қувончу таклифлари билан ўртоқлашиб, уларга мадад бўлишга интилишмоқда.

## ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН ХОР БЎЛМАС

Парламент қуйи палатасидаги О'зLiDeP фракцияси аъзоси Эркин Салихов Самарқанд шаҳридаги Меҳнат, Ипак йўли, Темирийўлчилар, Обод маскан, Қора сув маҳалла аҳли билан суҳбатда асосий эътиборни ечи-



мини кутаётган муаммоларга қаратди. Мулоқотлар чоғида фуқаролардан йўл қурилиши, газ ва энергия тақчиллиги, мактабгача таълим ташкилоти, умумтаълим мактаблари фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича мурожаатлар келиб тушди. Депутат уларни жойида таҳлил қилар экан, бу масалаларни тегишли идоралар ёрдамида ҳал этишга ваъда берди.

Геологлар маҳалласида ташкил этилган сайёр қабулда эса турли мазмундаги аризалар баробарида сайловчиларнинг таклиф ва мулоҳазаларини ҳам кўриб чиқди. Ҳуқуқий маслаҳатларни берди. Янги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилди.

## ЙЎЛИНГИЗ РАВОН БЎЛСА...

Партиянинг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзоси Одинахон Отахонова Шаҳрихон туманидаги аҳоли билан юзма-юз мулоқотларда мавжуд муаммоларни қонуний тартибда ечиш чораларини кўрди. Юқори Шаҳрихондаги "Дулан" МФЙ аҳолиси



билан очиқ ва самимий руҳда ўтган учрашувда ҳудуддаги энг катта муаммо – ички йўлларни таъмирталаб экани маълум бўлди. Ўз навбатида, дўланиклар бу масалада депутатдан кўмак сўрашди, ички кўчалардаги ўйдим-чуқурлар йўловчи ҳайдовчига ўта ноқулайлик туғдираётгани, бу ҳолат, айниқса, қор-ёғири кунларда

янада оғирлашишини айтишди.

Депутат бу масалани шунчаки назоратга олмайди, тегишли ташкилотлар билан биргаликда ҳал этамиз, дея ваъдабозлик билан чекланмайди. Аксинча, ҳомийлик асосида (қарийб 1 км) йўлларга шағал тўкириб берди.

Одина Отахонованинг учрашувлари Шайдо маҳалла фуқаролар йиғинида давом этди. Фаоллар, нуронийлар билан суҳбатлашди, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар билан қизиқди. Маҳаллада мактабгача таълим муассасаси йўқ экан, шу боис Карима Шокирова хонадонидида оилавий боғча очилмагани бўлди. Бизнесни бошлаш истагини билдирган Афзалбек Абдуллаев ва Ойбек Аҳмедовга имтиёзли кредит олишда кўмаклашди. 200 метрлик ички йўл шағаллаштирилиб, 6 та хонадонга ичимлик суви тармоғи тортишга кўмак берилди.

Шаҳрихон тумани ҳокими Ҳикматулло Дадахонов билан биргаликда "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшлар билан учрашиб, уларнинг ҳам дардларини тинглашди. Бир қатор мурожаатлар шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилди, бизнес бошламоқчи бўлганларга имтиёзли кредитлар ажратилади экан бўлди. Тумандаги Кўзи оқизлар жамияти аъзолари учун ташкил этилган бир пиёла чой атрофидаги суҳбат, эсдалик совғалари уларнинг кўнглини тоғ қадар кўтарди.

## САМАРҚАНДЛИК ЁШЛАР НИМА ИСТАЙДИ?

Парламент қуйи палатасидаги фракциямиз аъзоси Абдулла Асланов ҳам халқ билан мулоқот қилиш, мавжуд муаммоларни ўрганиш



ва уларга ечим топиш мақсадида Самарқанд вилоятида бўлди. Халқ вакили воҳадаги учрашувларини Самарқанд туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабидан бошлаб, ўқувчиларга яратилган шароитлар билан қизиқди. Мулоқотлар чоғида "Беш муҳим ташаббус" доирасидаги спорт мусобақасида қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритган спортчи ёшларга партиянинг эсдалик совғаларини топширди.

Сайёр қабулда ўнлаб фуқароларнинг мурожаатлари ўрганилиб, ижобий ҳал этиш чоралари кўрилди. 11 нафар



фуқаронинг аризаси бўйича ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилди, 8 таси юзасидан ташкилотларга депутатлик сўрови чиқарилди. 3 та мурожаат жойида ҳал этилиб, иш масаласида кўмак сўраган йигит-қизларнинг мурожаати депутат назоратига олинди. Шунингдек, беморлар, қариялар йўқланди ва дуолари олинди.

## ПОЛИКЛИНИКА ТАЪМИРИ ҚАЧОН БИТАДИ?

Олий Мажлис депутати Ботирбек Тўразодиннинг Хоразм вилояти Богот тумани Узбекистон маҳалласи фуқаролари билан мулоқотида айна муаммо кўтарилди. Яъни 4-оилавий поликлиника ҳозирги кунда ушбу маҳалла фуқаролар йиғини биносида фаолият юритиб, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур шароитлари йўқ экан.

Маълум бўлишича, мазкур тиббиёт муассасасини таъмирлаш ишлари 2019 йилда бошланган. Орадан икки йил ўтаётган бўлса-да, иш якунига етказилмаган. Тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланиш даражаси ҳам замон талабларида эмас. Шу боис беморлар асосан туман марказидаги тиббиёт масканларига қатнаб, муолажа олишга мажбур. Ноиб бу масала юзасидан тегишли ташкилот раҳбарлари билан учрашди. Таъмирлаш ишларини тезроқ якунига етказиш бўйича кўрсатма берилди. Ички йўллар қаровсизлиги, электр таъминоти ёмонлиги ва бошқа бир қатор муаммоларга мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ечим топди.

"Обод маҳалла" дастурига киритилган Ортиқ Отажонов маҳалласидаги суҳбат ва мулоқотлар чоғида ҳам фуқаролар электр қуввати камлигидан азият чекаётганини айтишди. Бу масала Богот тумани электр таъминоти корхонаси раҳбари бошчилигида ҳал этилиб, янги трансформатор ўрнатилди.

"Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар" дафтари"га киритилган фуқаролар бандлигини таъминлаш бўйича

олиб борилаётган ишлар ҳолатини ҳам ўргана экан, маҳаллада 44 нафар "Ёшлар дафтари"га, 31 нафар "Аёллар дафтари"га киритилган ишсиз ёш ва хотин-қизларга 0,1 гектар ер майдони ажратилганига гувоҳ бўлди. Ердан юқори ҳосил олиш учун уларга зарур шароитлар яратиш, яъни оқар сув, уруғ

ва кўчатлар билан таъминлаш лозимлигини билдирди. Энг муҳими, ишсиз фуқаролардан З. Худоёрова, Ҳ. Хусайнова, Г. Қурбановани "Оазис агрофирма" МЧЖга, С. Рўзиевни "Саҳродаги олам" оилавий корхонасига ишга жойлаштиришга кўмаклашди. Халқ ноиб шундан Богот маҳалласида ўзбошимчилик билан қурилган иморатларни аниқлаш бўйича ўрганиш ҳам олиб борди. Аниқланган масалаларни бартараф қилиш, бу борада аҳолига тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича Богот тумани ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммунал-коммунал ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари О. Қурёзовга тегишли тавсиялар берди.

Қўмбодоқ маҳалласи вилоят марказидан анча олисда жойлашган. Айна вақтда маҳалладаги 601 та хонадонда 3 348 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳозирги кунда маҳаллада "Хоразм ҳудудий электр тармоқлари" АЖга қарашли Богот тумани электр таъминоти корхонаси томонидан давлатимиз раҳбарининг "2017–2021 йилларда паст кучлиниши электр тармоқларини янада модернизация қилиш ва янгилаш дастури туғрисида"ги қарорига асосан 4,2 км юқори кучлиниши ва 3,1 км паст кучлиниши электр тармоқлари тортиш, янги темир-бетон таянчлари ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Бу ердаги мавжуд учта трансформатор таъмирланиши режалаштирилган. Айна пайтда уларнинг юкласини камайтириш учун 2 та 250 кВАлик трансформаторларни ўрнатиш ишлари бошлаб юборилди.

Ашхобод маҳалласида бўлиб ўтган мулоқотда 114 нафар "Ёшлар дафтари"га, 63 нафар "Аёллар дафтари"га киритилган ишсиз ёш ва аёлга ҳам 0,1 гектардан ер майдони ажратилгани маълум бўлди. Шу кунда С. Абдуллаевага асаларчилик, Д. Мавлоновага тикуччилик, И. Бекмуротовга боғча фаолияти билан шуғулланиши учун имтиёзли кредитлар олишда кўмаклашилди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,  
"XXI asr" муҳбири

# Ер тилини билганлар кам бўлмайди

ёхуд Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O'zLiDeP фракцияси раҳбари Актам Хаитов бошчилигидаги ишчи гуруҳ фаолиятдан айрим лавҳалар



Янгийул туманидаги 69 та маҳаллада 37 мингга яқин хонадон бор. Аҳоли асосан кўкатлар, помидор, бодринг, булғор қалампери, қалампир етиштириш билан шуғулланади. Яқинда томорқалардан янада самаралироқ фойдаланиш учун "маҳаллабай" ишлаш тизими жорий қилинди.

Ишчи гуруҳ ўрганишлари давомида 38 минг 710 нафар фуқаро хатловдан ўтказилди. 3 минг 320 нафар хотин-қиз "Аёллар дафтари"га киритилди. 226 нафар ишсиз аёлга имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш ва шу орқали уларга иссиқхоналар қуриб беришга келишилди.

Ғалаба маҳалласида истиқомат қилувчи, томорқачилик борасида ибратли ишларни амалга ошираётган Иброҳим Якубов ҳовлисида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, туман ҳокимлиги вакиллари, 10 га яқин маҳалла фаоллари, ишсиз хотин-қизлар, ёшлар иштирокида ердан самарали фойдаланишга бағишланган семинар ўтказилгани ҳам эътиборга молик. Тадбир ниҳоясида томорқада деҳқончилик қилишга оид қўлланмалар тарқатилди. Уртага ташланган таклифлар, муаммолар бўйича иш олиб бориш муайян шахслар зиммасига юкланди.

Пискент туманида ҳам очик ва ёпик кичик майдонларда маҳсулот етиштириш мавзусида амалий семинар ташкил қилинди. 27 та МФЙ раиси, аграр соҳа мутахассислари ва кўплаб ёшлар қатнашган мулоқотда миришкорлар тажрибасини омаллаштириш, "Темир дафтар"даги фуқароларга иш услубларини ўргатиш хусусида сўз юритилди. "Томорқа хизмати" МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар, етиштирилган маҳсулотни сотиш билан боғлиқ саволларга батафсил жавоб берилди. Шунингдек, партия лидери шу йил 1 апрелдан кучга кирган "Деҳқон хўжалиги тўғрисида" қонунларнинг аҳамияти, ер эгалари учун яратилаётган янги имкониятлар хусусида сўз юритди.

Бўка туманида томорқачилар дуч келаётган энг катта қийинчиликлардан бири оқар сув танқислиги ва ер ости сувларининг шўрланганидир.

А.Хаитов учрашувлар чоғида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузурдаги жамғарма ҳисобидан фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгаларига ва "Томорқа хизмати" МЧЖ лари қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ҳамда сўғориш қудуқлари қазиш ишларига субсидиялар ажратилаётганини айтиб, ер эгаларига мазкур масалада кўмак беришни зиммасига олди. Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ туманларида ҳам томорқачиликка бағишланган семинарлар бўлиб ўтди, муаммолар ечимига қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Парламент қўйи палатаси Спикери ўринбосари бошчилигидаги ишчи гуруҳнинг вилоятдаги фаолияти давом этмоқда.

## СИРДАРЁ вилояти

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O'zLiDeP фракцияси раҳбари Актам Хаитов бошчилигидаги ишчи гуруҳ ўтган ойда Сирдарё вилоятининг бир неча туманида бўлиб, ер майдонларидан самарали фойдаланиш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш билан боғлиқ ишлар ҳолатини ўрганди, мавжуд камчиликларга барҳам беришга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқди.

Хусусан, Сайхунбод туманида ҳам

фермерлар билан юзма-юз мулоқотлар бўлиб ўтди. "Янгиобод" СИУга қарашли майдонларда 76 та фермер хўжалиги фаолият юритяпти. Қишлоқ мулкдорлари оқар сув етишмовчилиги, сув насосларини ишлатиш учун электр энергиясининг танқислиги ҳамда имтиёзли кредитлар олишдаги қийинчиликлар тўғрисида гапирдилар. Спикер ўринбосари раҳбарлигида муаммоларни ҳал қилиш бўйича аниқ режа тайёрланди.

Давлат-хусусий шериклиги асосидаги "Камалак" нодавлат мактабгача таълим ташкилидаги учрашувда мазкур муассасага олиб келувчи йўллар таъмирга муҳтожлиги тилга олинди. А.Хаитов бу масалани назоратга олиши, ижобий ҳал этиш чораларини кўришини билдирди.

Шодлик маҳалласида яшовчи Аҳмад Рўзиев ўз томорқасидаги иссиқхонадан йилига 3-4 мартаба ҳосил олиб, маҳалладошларига ўрناق бўляпти. Деҳқонбод маҳалласида истиқомат қилувчи Аҳмадҷон Тўрабоевнинг 37 сотихлик томорқасида 220 туп анор, 30 туп узум, 25 туп олма, 20 туп нок, 10 туп олхўри ва ўрик дарахтлари ҳосилга кирган. Оралиқ ерларга эса қартошка, қақлажон, помидор, сабзи кўчатлари экилган.

Ишчи гуруҳ таркибидаги депутатлар, партия тузилмалари ходимлари зиммасига миришкорлар тажрибасини омаллаштириш бўйича иш олиб бориш вазифаси юкланди.

Мазкур маҳаллада туман ҳокими, сектор раҳбарлари, аграр соҳа мутахассислари ҳамда муҳтож фуқаролар, ёшлар иштирокида томорқалардан самарали фойдаланиш мавзусида семинар ташкил қилинди.

Ишчи гуруҳ "Деҳқонбод асл анори" ишлаб чиқариш кооперативи фаолияти билан ҳам танишди. Корхонага қарашли 171 гектар ер майдонида 136 800 туп анор кўчати, 200 000 туп анор қаламчаси парвартиш қилинмоқда. Корхонада бир соатда 1,5 тонна анор шарбати тайёрланапти.

Актам Хаитов шарбат хоригга экспорт қилинаётганини юқори баҳолади. Иш жараёнини такомиллаштириш бўйича зарур тавсиялар берди.

Ўз мухбиримиз

Юртдошларимиз ихтиёрида 750 минг гектардан зиёд сугориладиган, унумдор томорқа майдонлари бор. Бундай имкониятнинг қадрига етиш даркор. Президентимиз мазкур масалага алоҳида эътибор қаратмоқда, томорқа ишончли даромад манбаи, озиқ-овқатлар нархлари барқарорлигини таъминлашда муҳим омил эканини бот-бот таъкидламоқда. Шу кунларда – юртимизда кўклам экинлари эсаётган паллада бу йўналишдаги ишлар янада қизғин тус оляпти.

## ТОШКЕНТ вилояти

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O'zLiDeP фракцияси раҳбари Актам Хаитов икки ҳафтадан буён Тошкент вилояти туманларини кезмоқда, маҳаллий кенгашлар депутатлари, мутасаддилар, аграр соҳада иш юритувчи ташкилотлар вакиллари билан биргаликда ердан оқилонга фойдаланиш бўйича тарғибот ишлари олиб борапти, томорқа соҳибларига моддий, ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам берапти. Шунинг баробарида А.Хаитов бошчилигидаги ишчи гуруҳ айрим ижтимоий масалалар ҳал қилиниши борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишяпти, камчиликлар бартараф қилинишига ҳисса қўшяпти.

Ишчи гуруҳ фаолияти Қирбай туманидаги Бунёдкор маҳалласидан бошланди. Ушбу масканда 3 минг 350 нафар фуқаро истиқомат қилади. Томорқадан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини тўғри жойлаштириш тамойили асосида 15 та хонадонда иссиқхоналар ташкил этилган ҳамда 30 хонадонда полиз маҳсулотлари, 28 та хонадонда уруғ, кўчат, помидор, бодринг ва кўкатлар етиштириш тизими ишлаб чиқилган.

Спикер ўринбосари мулоқотлар чоғида туманда паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа тармоқларни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш кераклигини таъкидлади. Бизнесини бошлаш истистадаги ёшлар, хотин-қизларга партия фаоллари ҳаммаша кўмакка шайлигини билдирди.

А.Хаитов тумандаги "Hayat Hospital" тиббиёт марказида ҳам бўлиб, муассаса фаолияти, беморлар учун яратилган шароитлар билан танишди.

Учрашув якунида шишохонда партия қўйи бўғини тузилди.

Қуйи Чирчиқ туманидаги "Йилқитчи" МФЙ ҳудудида 2 минг 401 киши яшайди. Аҳоли ўз томорқасидаги иссиқхоналарда бодринг, помидор, қарам, булғор қалампирини, саримсоқпиез ва турли кўкатлар етиштиряпти.

Акмал Пардаев 6 сотих ерга икки қаватли иссиқхона қуриб, томчилатиб сўғориш усулида бодринг етиштирмоқда. Гулсорай кўчасида истиқомат қилувчи Йўлдош Тошмирозев ҳам деҳқончилик ҳадисини олган. 2 сотихли иссиқхонада кўкатлар ўстиряпти.

Фракциямиз раҳбари маҳалладаги бошқа томорқачилар билан ҳам суҳбатлашиб, улар тилга олган масалаларга депутатлар, маҳаллий идоралар раҳбарлари диққатини қаратди, қийинчиликларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берди.



Хайрия

## Хатирчилик ноиблар савобталаб

Ҳар доим ҳам одамлар кўнглига йўл топиш, уларни рози қилиш осон кечмайди. Албатта, бугунги кунда барча ҳудудларда бўлгани каби Навоий вилоятининг туман ва қишлоқларида, жумладан, Хатирчи туманида ҳам аҳолини қийнаётган муаммолар бисёр. Уларга мақбул ечимларни топишда O'zLiDeP туман кенгаши аъзолари барча идоралар, ҳокимлик, сектор раҳбарлари ҳамда маҳалла фаоллари, шунингдек, партиянинг депутатлик гуруҳлари вакиллари билан ҳамжиҳатликда фаолият юритишаётгани ибратлидир.

Яқинда туман кенгаши депутати Ҳожи Мамедов, партиянинг туман кенгаши аппарат раҳбари Ф. Худойшукуров 4-сектор раҳбари ҳамкорликда "Олтинсой" МФЙ

аҳолиси билан ана шундай учрашувлардан бирини ўтказди.

Йиғилганларга дастлаб давлат раҳбари томонидан халқимиз манфаатини кўзлаб имзоланган айрим фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти батафсил тушунтирилди. Шундан сўнг аҳолининг муурожаатлари эшитилди. Кўпчиликни ўйлантираётган баъзи муаммолар бўйича туман йўл қурилиш бўлими ва туман электр тармоқлари корхонаси вакиллари ахборот берди. Муурожаатларга биргаликда жавоблар изланди.

Шундан сўнг мазкур тадбир доирасида туман кенгаши депутати Ҳожи Мамедов бошчилигида кўнгли ярим инсонлар, жумладан, шу ҳудудда яшовчи 1-гурӯх ногирони Ғайбулла Зухуров, 2-гурӯх ногиронлари Норбуви Чинниқулова ҳамда Адҳам Боймуродов ҳолидан хабар олинди. Беш оилага озиқ-овқат маҳсулотлари ҳада этилди.

Ўз мухбиримиз

Бугуннинг фермерлари



## Томчилатиб суғорган бойийди

Партия фаолларининг тарғибот йўналишидаги тадбирлари бошқа ҳудудларда бўлгани каби Самарқанд ҳам тобора кучайтирилди. O'zLiDeP Самарқанд вилоят мутасаддиларининг Тойлоқ туманидаги "Дилшоджон-Дилмуроджон ишонч" фермер хўжалиги фаолияти билан яқиндан танишиш асносида дастурий мақсадларини тарғиб этишгани фикримиз далилидир.

Мазкур фермер хўжалиги мироблари интенсив технологиялардан қандай фойдаланаётганини намоиш этишди. Томчилатиб суғоришнинг афзаллиги, энг аввало, сув ресурсларини тежашда кўринади. Бу йўналишдаги самара сув ўсимликка ўтказгичлар воситасида етказиб берилгани учун дала тупроғи қотмаслиги, қатор ораларига кўп ишлов беришга эҳтиёж туғилмаслиги билан изоҳланади.

Ўғит сув билан бирга берилгани боис далага ортиқча техника киритиш зарурияти йўқолади. – дейди фермер хўжалиги раҳбари Дилшод Ражабов. – Натижада меҳнат ва ёнилғи-мойлаш материаллари тежалади. Сувчиларнинг кўл меҳнати кескин камаяди.

Хўжалик далаларининг 14 гектари интенсив боғ. Ҳар гектаридан 3 100 тадан Туркиядан келтирилган "Голден делишес" "Скарлет" каби олма навлари парваришланмоқда. Аҳамиятли жиҳати, мазкур интенсив боғда ҳам томчилатиб суғориш

технологияси жорий қилинган. Бу ерда 14 нафар доимий ишчи меҳнат қилади. Улар иссиқхонада бодринг кўчатлари ҳам етиштиришади.

– Иссиқхонада бир йилда икки марта экин экиб, фойда кўриш мумкин, – дейди фермер сўзини давом эттириб. – Масалан, август ойида булғор қалампери экиб, айна қиш чилласида ҳосил олинади. Ундан бўшаган ерга февраль-март ойларида бодринг экилади.

Дилшод Ражабов ўз ҳисобидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун сифими 300 тонналик музлаткич ҳам барпо этди. Айна дамда мазкур музлаткичда олма сақланмоқда. Фермер ток парвариши учун зарур ҳисобланган шпалларни ҳам ўзи ишлаб чиқаради.

Тарғибот тадбири якунида мазкур фермер хўжалиги ишчиларининг аксарияти O'zLiDePга аъзо бўлиш истagini билдирди.

O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши матбуот хизмати

Депутат бонг уради!

## Хўжаободдаги хўжасизлик

Фарзандим Хўжаобод туманидаги 14-боғча тарбияланувчиси. Ўша кун ота сифатида боғчага олиб кирилатган қиёмнинг сифатига қизиқдим. Тасаввур қиялмасми, 2 000 та банкадаги маҳсулотнинг яроқлилик мuddати аллақачон ўтиб кетганини кўриб, титраб кетдим. Биз кимларнинг кўлига фарзандимизни ишониб топшираемиз? Шу ҳам инсофданми?

ёки боғчада нега яроқсиз маҳсулот сақланган?



Хўш, энди ким жавоб беради бу каби аламли саволларга?

Кир ювиш хонасига тушириб қўйилган ушбу маҳсулотлар дилбандларимизни заҳарламаслигига ким кафолат беради? Тасодифан бу ҳолатга гувоҳ бўлмаганимда, эҳтипол, миттвойлар оғри, ёппасига касалхонага тушиб қолиши мумкин эди, деган ўй миямда чархпалакдек айланаверарди.

Бунга чек қўйиш керак! Шу мақсадда Халқ депутатлари Хўжаобод туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари

билан биргаликда мазкур ҳолат бўйича ўрганиш бошладик. Маълум бўлдики, "маҳсулот"лар Булоқбоши туманидаги "Бекмурод савдо келажаги" масъулияти чекланган ва яроқсизлигига қарамай 9 та (!) боғчага тарқатилганига нима дейсиз?

Тегишли ҳужжатларни тайёрлаб, вазиятга қонуний баҳо бериш учун туман СЭОМга депутатлик сўрови билан муурожаат қилдик. Мутасадди ташкилот сўровимизга йўллаган жавоб хатида мазкур ид-

даоларимиз тўғрилигини тасдиқлаб, яроқсиз қиёмни таъминотчига қайтарилгани (!) юзасидан ахборот берган, холос.

Шунақаси ҳам бўларканми? Ушбу ҳолатда истеъмолга яроқсиз ҳолга келган маҳсулотлар йўқотилиб юборилмайдими? Яна ишлаб чиқарувчига қайтарилишидан мuddао не?

Бундай хўжасизликларга ким қонуний баҳо беради?

Дилшодбек АЛМАТОВ,  
Халқ депутатлари  
Хўжаобод туман кенгаши  
депутати

# Тадбиркорлик кодекси қандай бўлиши керак?

АХБОТ

Жамият учун сув ва ҳаводек зарур бўлиб турган ушбу ҳужжатни ишлаб чиқиш гоёси бугун ё куни кеча пайдо бўлгани йўқ. Президентимиз Шавкат Мирзиёев фаолиятининг илк кунлариданоқ бошқа жабҳалар қатори қонунчиликни ҳам такомиллаштириш, меъёрий ҳужжатларнинг амалда тўла-тўки ишлашига эришиш вазифасини ҳам кун тартибига қўйди ва бу йўналишдаги ислохотлар ташаббускори бўлмоқда.

Янгиланишлар босқичма-босқич амалга оширилляпти. Утган йилнинг декабрида давлатимиз раҳбари парламент ва халқимизга йўлларда Мурожаатномасида хусусий секторни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қанча чора-тадбирларни баён қилди, жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингта яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сони қисқартирилиши ҳамда Тадбиркорлик кодекси ишлаб чиқилишини қайд этди. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурининг тегишли бандида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиб, Тадбиркорлик кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси аниқ-равшан белгилаб қўйилди. Демак, тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқий тартибга солинишининг такомиллаштирилиши ўта муҳим, устувор вазифалар сирасидан ўрин олди. Бу эса хусусий бизнес мамлакатимиз ҳаётида нақадар катта ўрин тутишини, шундан келиб чиқиб, давлатимиз ишбилармонларга янада қулайроқ шарт-шароит яратишга қатъий киришганини аналитади.

Тилга олинган кодексни ишлаб чиқишда фаолиятининг ўзак-негизини тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ташкил қилувчи ташкилотлар ниҳоятда фаол қатнашяпти, бу ишга бутун салоҳиятини сафарбар қилляпти.

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (Бизнес-Омбудсман) О‘зЛиДеР билан ҳамкорликда Тадбиркорлик кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказди. Мулоқотда Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммоларини ўрганиш институти, Олий Суд

ҳузуридаги Судьялар олий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази, Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, шунингдек, фермерлик ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этиб, кун тартибидаги масала ҳақидан фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Сўзга чиққанлар тадбиркорлик фаолиятига доир қонунларни ишлаб чиқишда янги-янгиланишни жорий этиш алақачон катта заруратга айланишни билдирдилар. Утган йилларда бу борада бир мунча ижобий ўзгаришлар рўй берди. Лекин талай камчиликлар батамом йўқолиб кетмади. Жумладан, хусусий секторга оид турли меъёрий ҳужжатларда қарама-қаршиликлар, чалғашликлар, бир-бирини тақроловчи нормалар, бюрократия кучайишига хизмат қилувчи талаблар ҳамон мавжуд. Устига-устак, қонун-қоидалар шу қадар кўп ва тез-тез ўзгариб турадики, нанки тадбиркор, ҳатто юристар ҳам уларни ўқиб-ўрганишга, ҳаммасини ёдда сақлашга ожиз қолаётди. Бу салбий ҳолатга қанчалик тез барҳам берилса, шунчалик яхши.

Давра суҳбатида тадбиркорлик кенг қулоч ёзишида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари катта роль ўйнаши ҳам айтилди. Бу идораларда хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ваколатлар, имкониятлар бор. Аммо уларни тўлақонли ишга солиш мушкул. Умуман, барча давлат ташкилотлари ҳам ҳукуратимиз томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тушуниб, аҳоли ва тадбиркорларга зарур шарт-шароит яратмоқда, деб бўлмади.

Бир жиҳатга эътибор берайлик маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ фаолиятини белгиловчи қонун ҳужжатларида ягона ёндашув мавжуд эмас. Давлат ташкилотларининг бу борадаги фаолияти айрим қонун ҳужжатларида “мажбу-



рият”, бошқаларида “вазифа” ва айримларида эса “ваколат” сифатида белгиланган. Яна шундай меъёрий ҳужжатлар ҳам борки, уларда ташкилотлар эмас, мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги назарда тутилган. Амалдаги назорат тизими эса формал тусга эга бўлиб, ижродаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга йўналтирилма-япти. Ана шу сабабларга кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасидаги фаолияти талабга жавоб бермайди. Янги кодекс ана шу салбий ҳолатга ҳам барҳам бериши зарур.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, давлат томонидан бошқариш ва назорат қилиш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро шартномавий муносабатларни тартибга солишда йирик ҳажмдаги қонунчилик ҳужжатлари амал қилиши оқибатида муайян қийинчиликлар ва муаммолар юзга келяпти. Шу сабабли тегишли қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ҳамда ягона тадбиркорлик кодекси билан бирлаштириш ва институционал тартибга солиш тақозо қилинмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлаш таъминлидан келиб чиқиб, ушбу соҳадаги қонунчиликда ихтилофлар вужудга келганда тадбиркор манфаатини ҳимоялаш устуворлигини ва қонунчиликдаги зиддиятлар тадбиркорлик субъектининг фойдасига талкин қилинишини кодексда белгилаб қўйиш ҳам айтилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бизнес-омбудсмани қайд этганидек, тадбиркорликка тааллуқли қонунларнинг ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга солишга йўналтирилмагани ҳамда уларни амалиётда жорий этиш механизми етарлича шаклланимагани ҳам бартараф этилиши

зарур бўлган камчиликлар сирасига қиради.

Судьялар олий кенгаши вакили тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ва қонуности ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда уларни қабул қилишда бир қатор талаблар четда қолдирилгани ҳақида гапирди. Хусусан, қонунда ортиқча ҳаволаларнинг кўплиги, айниқса, тегишли ҳуқуқлар ва уларнинг ҳажмини белгиловчи меъёрлар қонундан ҳаволаки нормалар орқали “чиқариб” юборилганини таъкидлаш зарур. Шунингдек, қонун ости ҳужжатлари кўп ҳолларда тадбиркорлик субъектларининг қонун билан белгиланган ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ рўёбга чиқарадиган ёки уларга ғов бўлади.

Билдирилган фикрларни умумлаштириб, кодекс қабул қилинишига туртки берган эътибор ва омилар ҳақида аниқ-равшан тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Улар қуйидагилардан иборат:

*Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан мақсадли тартибга солишининг адолатли асослари ҳамда аниқ мезонларини яратиш;*

*Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, кафолатлаш ҳамда ҳақиқий ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш;*

*Рақобат муҳитини яхшилаш ва давлатнинг айрим функцияларини хусусий секторга ўтказиш.*

Тадбиркорлар ҳуқуқларини улар учун содда ва турли талқинларга ўрин қолдирмайдиган йўсинда ифодалаш ва ҳаволаки нормалардан холи тўғридан-тўғри кучга эга қонун ҳужжатини аниқ белгилаб берилишини таъминлаш.

Бир мисол: янги ташкил қилинаётган кластерлар томонидан фермер хўжалиқлари ерларини олиб қўйиш ва фаолиятини тугатиш, фермерлар билан тузилган шартномаларни бекор қилиш қонунчиликка

зид маъмурий усуллар орқали бажарилляпти. Чорва кластерлари яйлов майдонлари ажратиш ва улар фаолиятини ташкил этиш жараёнида қўй, қорамол боқиб кун кечиб келаётган кўп тармоқли фермер хўжалиқлари манфаати ҳар доим ҳам ҳисобга олина-япти деб бўлмайди. Шунингдек, агрокластерлар мажбуриятлари бажарилиши ва инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини мониторинг қилиш механизми ҳам мавжуд эмас. Агрокластерларнинг қишлоқ аҳолиси қонуний манфаатларига хилоф иш тутишини тақиқловчи нормаларнинг амалга киритилиши ҳозирги давр талабидир.

Давра суҳбатида Тадбиркорлик кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат ташкилотлари вакиллари билан иборат ишчи гуруҳини шакллантириш, унинг иш режасини тайёрлаш, 2000 дан ортиқ ҳужжатни қайта кўриб чиқиш ва уларнинг сонини қисқартириб, кодексга бирлаштириш, бу борада хорижий тажрибани ўрганиш, йўл харитасини ишлаб чиқиш, кодекс концепциясини яратиш, Тадбиркорлик кодекси бўйича амалга оширилаётган ишлардан ишбилармонларни хабардор қилиш ва уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш ва бошқа шу сингари ишларга тааллуқли масалалар муҳокама қилиниб, муайян келишувларга эришилди. Тадбиркорлик кодекси лойиҳаси муҳокамаларига тадбиркорлар, фермерлар қанчалик кўп жалб қилинса, ҳужжат шунчалик пишиқ-пuxта бўлишини бот-бот таъкидланди.

**Насимжон АЛИМОВ,**  
О‘зЛиДеР Сўбисий Кенгаши  
Ижроня Қўмитаси Сўбисий  
таълим маркази раҳбари,  
Султонмурод МИХРИДДИНОВ,  
Ўзбекистон Тадбиркорлик ва  
фермерликни қўллаб-қувватлаш  
маркази бўлим мудири

# Чўпонликни чидаганга чиқарган

Қашқадарё вилоятида 4 миллион 584 минг бош қўй-эчки бўлиб, 350 минг бошдан кўпроғини қоракўл зотли қўйлар ташкил этади. Улар асосан Муборак, Косон, Нишон, Миришкор туманларида боқилади. Муборак туманидаги “Навбахор” фермер хўжалиги раиси, халқ депутатлари туман кенгашига партиямиздан сайланган депутат Намоз Бахронов вилоятда қоракўлчиликни ривожлантиришга муайян ҳисса қўшяпти. Унинг тажрибасини O‘zLiDeP маҳаллий кенгашлари депутатлари ва фаоллари воҳа чорвадорлари ўртасида кенг тарғиб қилишяпти.

– Чўпонлик менга ота-мерос, – дейди фермер. – Отам Равшан бобо бутун умр чўпонлик қилган. Давлат мукофотларига сазовор бўлган. 6 ёшимдаёқ яйловга чиқиб, у кишига ёрдамчилик қилардим. Аслида қосонликмиз. Аммо умримиз Қорақум қишлоғи кенгликларидея ўтпти. Қўйчилик ниҳоятда машаққатли касб. Қўй-қўзи юриб, ризқини тирадиган жонивор. Ҳақиқий чўпон кам ухлашга мажбур. Сахармардонда жониворларни далага ҳайдаш керак. Унинг ордидан юриш учун метиндай ирода ва сабот керак. Шукрки, ўғилларим ёнимга киришди. Маъруф фермер хўжалигимизда иш бошқарувчи. Деярли барча юмушлар унинг зиммасида. Шоҳрух эса катта бир идоранинг бош ҳисобчиси. Асосий ишидан бўшаган вақтлари хўжаликка қарашади.

Намоз Бахронов 1992 йили “Навбахор” фермер хўжалигига асос солган. Хўжалик тасарруфида 660 гектар яйлов ва бедапоярлар мавжуд. 70 сотих майдондаги боғ ҳосилга кирган. Фермер чорвачиликни 200 бош қўй-эчки билан бошлаганди. Эндиликда улар сони икки мингга яқинлашиб қолди. 15 бош қорабайир от ҳам парваришланяпти.

Хўжаликда қоракўмлик 50 нафар ёш иш билан таъминланган. Иккита йирик комплекс қурилиб, битта эски қўйхона капитал таъмирланди.

– Баҳор серёғин келса, қувонамиз, – сўзини давом эттиради фермер. – Чўлларида 70 дан ортиқ турли гиёҳ ва ўт-ўланлар ўсади. Шу йили қўй-қўзи икки бараварга кўпаяди, улар касалликларга чалинмайди. Йил қурғоқчил келса борми, яйлов излаб сарсон бўламиз. Кези келганда айтишим керак, чорва озукаси нархи қимматлашиб, яйловлар қисқаргани сари қўй-қўзи боқилишни истовчилар ҳам тора камайиб боряпти. Илгари биз томонларда хона-

донда чорва моли бўлмаган оила деярли йўқ эди. Эндиликда кўпчилик чорвачилик билан шуғулланмай қўйди. Аксарият ҳовлилардан битта улоқча ҳам тополмайсиз. Мен депутатлик йиғилишларида ана шу мавзунда кўп бора ўртага ташлаганман. Лекин натижа бўлмаяпти. Гўшнинг нархи ошиб кетди, деб нолиймиз. Аммо уни етиштириш нархи ҳам ошяпти-да. Арпа, шрот, шулха жуда қимматлашиб кетди. Чорвачилик билан шуғулланадиган фермер хўжаликлари, хусусий қорхоналарга концентрат ем, ёқилғи, минерал ўғитлар имтиёзли нархларда сотилиши керак. Ҳар бир туманда камида 30 гектар ер майдонига эга,

“лимитингиз йўқ, сув олманг”, дейишади. Қанчалик машаққат бўлмасин, озуқа етиштириш учун туну кун курашяпмиз. 100 ва 180 метр чуқурликдан артезиан қудуқлар ёрдамида сув чиқарамиз. Агар бизга электр тўловидан озгина бўлса-да, имтиёзлар берилса, яхши бўларди. Кекса чўпонларнинг бир гапи бор: қўйнинг олдидан ем-хашак ортиб қолсагина, яхши даромад олиш мумкин. Чорвадор чорвага қирқ йил қараса, чорванинг бир марта қарагани етади.

– Ёши улуг бўлса-да, Намоз ака айрим ёш депутатларга ўрнатилган даражада фаолият олиб бормоқда, – дейди O‘zLiDeP



уруғчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш орқали озуқа экинлари уруғи етиштирилиб, фермер хўжаликлари аризон баҳоларда етказиб берилиши мақсадга мувофиқ. Харажатлар камайса, гўш нархи ўз-ўзидан тушади. Шунингдек, чўпонларга қўшимча яйловлар ажратилиши керак. Банклардан зотли қўйлар, эчкилар сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар берилса, тармоқ тезкорлик билан ривожланар эди.

Яна бир масала. Озуқа етиштириладиган экин майдонларини каналдан насос ёрдамида суғорамиз. Ҳамма вақт ҳам каналда сув бўлавермайди. Сув бор пайти ҳам кластердан келишиб,

Муборак туман Кенгаши раиси, депутат, иқтисод фанлари номзои Панжи Жалилов. – Ҳар ойда сайловчилар билан учрашишга, албатта, вақт топади. Тилга олинган муаммоларни бартараф этиш учун бор куч ва маблағини аямайди. “Қўли очқининг йўли очқ” деган ҳикматга амал қилган ҳолда ҳар йили ҳамқишлоқларига қорамол, ушоқ моллар тарқатади. Ҳозирга қадар 80 бош уй ҳайвони камбағал ойлалар, ёлғиз кексалар ҳамда ногиронларга ҳаёда этилди. Қорақум қишлоғидаги мактабни ўз оталигига олган. Мазкур билим масканида мунтазам бўлиб, ўқув-тарбия ишлари, ўқувчиларга яратилаётган



шарт-шароитлар билан таъминлашади. Аълочи ўқувчиларга ҳар йили совға-саломлар улашади. Мактабдаги спорт зали ва йўлакларни хўжалиги ҳисобидан таъмирлаб берган.

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқаролар билан жиддий шуғулланяпмиз. Қорақум, Хитой, Обод турмуш ва Яшнабод маҳал-

сиқхона ва боғдорчилик қилиш учун 7 йилга берилаётган кредитлар ажратилиши устида ишлаяпмиз. Ёшлар ва аёлларга тадбиркорлик қилишлари учун банклардан ажратилаётган кредитлар хусусида тумандаги тижорат банклари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишни режалаштиряпмиз. Чорвачилик, паррандачилик ва баглиқчиликни ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиб, мутасадди идораларга юбордик.

Намоз Бахронов O‘zLiDeP Муборак туман Кенгаши аъзоси, бошланғич партия ташкилоти етакчиси сифатида ҳам фаол. У партиявий ишлардаги фаоллиги учун O‘zLiDeP вилоят ва туман кенгашларининг фахрий ёрликлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланган. Қўйи бўғиннинг 15 нафар аъзоси бўлиб, улар партия нуфузини юксалтириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш борасида янги-янги таклифларни ўртага ташламоқдалар. Яқинда мазкур фермер хўжалигида бўлиб ўтган йиғилишда бир гуруҳ депутатлар ва партия фаоллари иштирок этди. Туманда чорвачилик, паррандачилик, иссиқхона хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш, томорқалардан самарали фойдаланиш учун уруғлик ва минерал ўғитлар имтиёзли нархларда бериш, чорва моллари учун озуқа етиштириладиган экин майдонларини кенгайтириш борасидаги бир қанча таклифлар ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идораларга юбориш учун туман кенгашига тақдим этилди.

Сайфулла ИКРОМОВ,  
“XXI asr” мухбири

# ҚИШЛОҚДА ҚОЛГАН ОЛИМ

**Хар гал қишлоққа борсам, кекса селекционер олим, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, ижодкор зиёли Жуманазар Тўраев билан кўришаман. Бундан салкам эллик йил аввал диссертация ёқлаган Жуманазар ака С-6040 ипак пахта нави ва бошқа пахта навларининг муаллифларидан бири.**


Одатда бундай олимлар пойтахтда, катта шаҳарларда яшайди. Лекин бу камтарин ва хокисор инсон ўз тақдирини она қишлоғига боғлаган, олим бўлиб етишган, муштипар онасини ёлғизлатиб қўймади, олимлик учун ота уйига қайтган. Уша вақтларда Жуманазар Тўраевнинг илмий салоҳиятини сезган не-не илм пешволари, профессору академиклар шаҳарда, илмий текшириш институтида ишга қолишга қанчалик қисташмасин, опаси билан қолган онасининг бағрига қайтган, унга суянч бўлай, таянч бўлай деган. Жуманазар акага тенгдош қишлоғимиз зиёлиларининг “Агар Жуманазар шаҳарда қолиб илмий ишларини давом эттирсан, аллақачон профессор, академик бўлиши тайин эди”, деган гапларини кўп эшитганман. Бу гапларда жон бор. Чунки у табиатан илм одами. Филология фанлари доктори, Самарқанд университети профессори Ибодулла Мирзаев кўп йиллар

Унинг чеҳрасида самимият, меҳр балқиб туради. Кўзларида қандайдир мунгни сезаман. Сабабини кейинроқ билдим. Яна шуни англадимки, болалиқда кўзга чўккан мунг умрбод кетмас экан, уни на ёшлар, на кулгилар ювиб юборолмас экан. Гап шундаки, Жуманазар ака кўп машаққат ва дард кўрган инсон. Бунинг сабаблари ХХ асрнинг алғов-далғов йиллари билан боғлиқ. Унинг бобоси Рўзимурод бобо мулкдор бўлгани боис кулоқ қилиниб, қамоқхонада отиб ташланган. Ровийлик қилаётганимизда “отиб ташланган” деган гапни жуда осон айтаман.

Қарангки, Рўзимурод бойнинг ҳали турмушга ҳам чиқмаган қизи Ойбиби ҳам Магаднга сургун қилинган. Унинг гуноҳи бой қизи бўлганида эди. Кейинроқ Жуманазар аканинг отаси Тўра Рўзимурод ўғли ҳам Сибирга сургун қилинади ва Иккинчи жаҳон уруши вақтида “штрафной батальон” таркибида фронтга жўнатилади ва бутунлай бедарак кетган. Гўдаклигидан етимлик азобини тортган бу одам кўп азоб-уқубатларни бошидан кечиради. Ўз вақтида эл орасида каттагина нуфузга эга бўлган бутун бир сулоланинг талафоти, дарди, изтироби ҳамон унинг юрагида яшаб келади. Сениқ табассумли, хокисор Жуманазар Тўраевнинг елкасида оғир бир тарих турганини англамоқ учун унинг кўнглидаги кечинмаларини ҳис этмоқ ке-

лик вақтимда отам Сибирга сургун қилинган, – деб куйнади Жуманазар ака. – Онам бечора мени, тўққиз ойлик чақалоғини кўтариб қишлоғимиздан Жарқўрғонгача пиёда борганини, ўша ердан отамни Сибирга кузатганини, отам мени бағрига босиб, йиғлаб видолашганини армон билан гапириб беради...

Ота билан ўғилнинг бор-йўғи бир неча дақиқалик дийдорлашуви шундай кечган. Ҳали она сутининг таъмидан бўлак ҳеч нарсани бил-



ўлимга кетаётган отасини кузатган, шу кун миттигина елкасига етимликнинг оғир юкини олган, дунёда қанча алғов-далғовлар, не-не хиёнатлару жиноятлар, не-не фитналару сотқинликлар кечаётганини билмаган ўша тўққиз ойлик гўдак шу кунларда Жуманазар бобо бўлиб 80 ёшни қаршилади. Элимиз кўп файзли қариган бу одамни хурмат қилади, яхши кўради, меҳрли, оқибатли инсон сифатида қадрлайди. У киши ижод қилиб туради. Ёзганлари кўпроқ ўз соҳасига яқин мавзуларда, деҳқончилик, зироатчилик, боғдорчилик ҳақида. “Ерга хиёнат – элга хиёнат”, “Ўз ҳовлисин боғ этса ҳар бир одам, Боғу бўстон бўлар эди бу олам”, “Тинмаса молигининг тил ва туёғи, Уйингдан аримас сут ила ёғи” каби ҳикматга яқин гаплари бисёр.

Саксонни тўлдирган бу одамга қараб туриб, унинг гап-сўзларини тинглаб туриб ўйга толаман. Булар бошқа авлод-да дейман. Ҳозиргилардан анча фарқ қилади. Фидойи, жонкуяр, ўзимга бўлмаса ҳам, ўзгага бўлсин, дейдиган ҳалол одамлар. Сабрили, бардошли, мулоҳазали, қаноатли, вазмин одамлар. Биз улардан шу сабоқларни олиб қолаёلمизми? Уларнинг шу фазилатларини асраб қола биламизми? Шунинг ўзи катта бойлик эмасми? Уларга қараб, бетоқатлигимиз, худбинлигимиз, очкўзлигимиз ҳақида ўйлаб кўрамизми? Асли эл деган қалъанинг деворлари, устунлари шундай одамлардир. Мабодо бундай кишиларга тавсифнома ёзишга тўғри келса, бор-йўғи иккитагина сўздан иборат “эл одами” деган таърифнинг ўзи етади. Зеро, қисқадан қисқа бу тавсифномада меҳнат ва машаққат ҳам, меҳр ва оқибат ҳам, эҳтиром ва этироф ҳам, ҳаёт ва охират ҳам бор.

Одатда бизнинг қишлоқларда писта ўсмайди. Писта дегани баланд тоғларда ўсади-да. Лекин Жуманазар аканинг ҳовлисида писта-зорти бор. Бу уйда хандон писта гуллайди, ҳосил беради. Барибир олим олим-да. Унча-мунча ерда ўсмайдиган хандон пистанинг ҳам тилини топибди. Бағрикенг одамнинг ери ҳам кўнгли кабидир. Зеро, бундай кўнглига меҳр тушса, униб ўсади, нилят тушса улғаяди, шунинг учун бу кўнгли боғ бўлади. Бундай кўнгли бор жойда қақраган ер ҳам бўстон бўлади.

Саксон ёшингиз қутлуг бўлсин, қадрли Жуманазар ака. Кўнглингиз ҳам, элингиз ҳам, ерингиз ҳам доимо боғ бўлсин!

Эшқобил ШУКУР

маган гўдак ва ўлимга кетаётган ота шундай видолашган. Тақдир ота-болога учрашув учун бир неча дақиқани тўхта этган, холос. Қаттол тузум, инсонни хорлик гирдобига отган давлат тўққиз ойлик гўдак устидан етимлик, 27 ёшли

борганди. Мустақилликдан олдин мен бу гурунларни телевизорда берганимда улуг зот Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари: “Бу кампирларнинг гапларини сақлаб қолинг. Ҳали бу гаплар кўп керак бўлади. Улар бутун бир империянинг ёвузликларини устидан гувоҳлик бера оладиган одамлар экан”, деганди. Лекин бу видеоларни сақлаб қолиш у ёқда турсин, эфирдан кейинги таъкибу маломатлардан зўрға қутулдим. Ҳаммаси ўчирилди. Лекин барибир мустабид тузум устидан айбномани шу беғуноҳ инсонлар ўқиди. Уларнинг қайғули овозлари ҳали юз йиллар давомида тарих саҳнасида жаранглаб туради.

Жуманазар ака вақти етиб мактабга боради. У замонларда қишлоқ мактабларининг манглайида “тўлиқсиз” деган ёрлик бўларди. Бу дегани тўртинчи ё бешинчи синфдан сўнг мактаб тугарди. Жуманазар ака 14 ёшида Жарқўрғонга мактабга қатнай бошлайди. “Қишлоқдан бир ҳафталик нону қуртимизни олиб, 25 километр узоқликдаги мактабга пиёда бориб келардик”, деб эслайди у. Илмга интилиш бизнинг одамларимизнинг қониди бор. Уша замонларда менинг тоғаларим ҳам қишлоғимиздан 13 қақирим узоқликдаги Сурхон совхозига мактабга пиёда катнаган. Онам қишнинг қор-қировли совуқ кунларида ҳам тоғаларим дарёни кечиб ўтиб мактабга қатнаганини, ўқишни қолдирмаслик учун жон-жаҳд билан ҳаракат қилганини эслаб гапириб юради.

Жарқўрғон вокзалида



Маъмур сурабди агроэкологик дунёи доирасида мерканин кўп биллик озуқа боп усил биёги С.А.Воробейчик ва бозорик бутлак учиде экологик усиллик зарфи бошлайб агайибил олмант тўқланч кўзунч кефилча бопан



Ҳаёт чароғи

бурун шундай ёзган эди: “Жуманазар Тўраев онасининг иссиқ-совуғидан вақтида хабар ололмаётганидан эзилар, дардини кимга айтишни билмай озорланарди. Бир томонда келгусида муқаррар равишда профессорлик унвони ва шунга муносиб лавозиму эҳтиром, иккинчи томонда эса она дуосидан бенасиб қолмаслик... Нима қилиш керак? У киши иккинчисини танлади”. Жуманазар ака онасига хизмат қилиш учун кўп унвону мартабалардан кечолган одам. Бу мардликнинг ажрини унга Худонинг ўзи бергуси.


рак. Жуманазар ака отасидан қолган катта гулли сатин тўнни ҳамон меҳр билан сақлаб келади. Байрамларда кийиб кўчага чиқади. Бу тўннинг ёши юзни қоралаб қолган. У йигитлигида саргардонликка маҳкум этилган, уқубатлар чангалига ташланган, бегона юртларда қурбон бўлиб кетган армонли отасининг хидини шу тўнда сезар, уни кийганда отасининг бағрига сингиб кетгандай бўлар, эҳтимол... Эҳ, армонлар, армонлар... Инсон юрагини не кўйларга солмас улар...

– Мен отамни кўрмаганман. Тўққиз ойлик чақалоқ-

айбсиз ота устидан азобларга тўла саргардонлик ва ўлим ҳукмини чиқаради. Мен шу атрофдаги қишлоқларда яшаб ўтган, ўн беш-ўн етти йиллаб сургунда бўлган, дунёнинг бор уқубатларини кўрган Қурбон момо, Қирмиз момо каби кексалар билан гурунглашганман. “Сургундан қайтиб келганимда энам йиғлай олмади. Йўлимизга қараб йиғлайвериб-йиғлайвериб кўзида ёши қотиб қолган экан”, деганди ўшанда Қурбон момо.

Мудҳиш давр одамларни кўзларида кўзёшлари қотиб қолиш даражасига олиб

# Хуршид ДАВРОН: Айримлар учун Темур ҳақида ёзиш кун кечириш манбаига айланди



**Амир Темур ва теурийлар салтанати дунё тамаддунида ўчмас из қолдирган. Шу сабабдан ҳам теурийларнинг зафарли юришлари, илм-фан аҳлига кўрсатилган эътибор ва бошқа тарих зарварақларидан жой олган оламшумул воқеалар ҳамон муҳокама этилади.**

Мустақиллик бизга тарихимизни холис ва ҳаққоний идрок этиш, номлари унутулишга маҳкум этилган аждодларимиз ҳақида тўлақонли билиш имкониятини қайтарди. Мана шу имконият туфайли тарихимизнинг номаълум саҳифалари ва қатағон этилган боболаримизга бағишлаб асарлар ёзишга йўл очилди.

Яратилган имкониятлардан фақат истёждодли ва фидойи олиму адибларгина эмас, бутун “илмий-ижодий фаолияти” давомида улуг мутафаккирларимизни, шу жумладан, Амир Темур ва теурийларни қоралаб, уларга қарши курашиб келган олимлик давросидаги кимсалар ҳам унумли фойдаланди ва фойдаланишмоқда.

Бир пайтлар колхозлаштириш ёки гургут фабрикаси тарихини ёзиб илмий унвон олган, шўро “қахрамон”ларини оққилаб узундан-узқоқ шеърый романлар ёзган илму адабиётдаги флюгертабиат иждодкорлар бир думалаб “Амир Темур”чиларга айланди, бир умр Амир Темурга қарши курашган олимларнинг айримлари “Бош Темурчилар” сифатида тан олинди.

Узоқ йиллар Соҳибқирон мавзуси асл илм ва чинакам адабиёт эмас, сохта ва ёлғон демагогия куролига айланди. Айримлар учун Темур ҳақида ёзиш кун кечириш манбаига айланди.

Ғапимга ишонинг, шу пайтгача Соҳибқирон ҳақида нашр этилаётган китобларнинг учдан икки қисми на илмга, на адабиётга алоқаси бор.

Адабиёт тарихидан биламизки, миллатнинг буюк инсонлари ҳақида асар ёзиш улкан меҳнат, катта жасорат ва буюк масъулиятни талаб қилади. Айтиш лозимки, Амир Темурдек серқирра фаолиятга эга шахс ҳақида ёзишга чоғланган ҳар бир иждодкор ўнлаб, балки юзлаб қа-

*“Биз ким – малики (мулки эмас) Турон, Амири Туркистонмиз!  
Биз ким миллатларнинг энг улуғи, энг қадими – Туркнинг бош бўғинимиз!”*

**Амир Темур**

димий қўлёмалар чангу тўзони-ю бу асотирлар тахланган жавонларга тиркаб қўйилган тикка нарвонлар орқали чиқиб боришга маҳкуmdir. Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодир

рий, Ойбек, Одил Ёқубов ҳаёти ва фаолияти, улар қолдирган тарихий асарлар бунинг ёрқин мисолидир.

Ўтган асрнинг мустақилликкача бўлган даври мобайнида ўзбек адабиётида Амир Темур ҳақида, устоз Асқад Мухторнинг “Инсонга қуллуқ қиладурмен” номли юксак асаридан бошқа, жиддий бир бадий асар яратилмади. Албатта, буни изоҳлайдиган маълум сабаблар бор.

Илгари Амир Темур ва бошқа тарихий шахслар ҳақидаги асарлар жиддий кўриқдан ўтказилган бўлса, бугунга келиб пала-партиш, хом-хатала ва тарихий материалдан мутлақо беҳабар, тарихий ҳужжату қўлёмаларни чуқур ўзлаштирмаган муаллифларнинг асарларини муҳокамасиз, илмий экспертизасиз чоп этиш одат тусига кира бошлади.

Устоз олимларимиздан бири “ота-боболаримиздан қолган улкан маънавий бойлик, қўлёмза асарлар Қизилкум саҳросига сочилиб кетган олтинни эслатади, бу асарлар дунё кутубхона, музейларига сочилиб кетган”, деб ёзганини эслайман.

Дарҳақиқат, ҳақондаги бирорта машхур кутубхона йўқки, у ерда халқимиз тарихи ва адабиётига тегишли қўлёмза асар бўлмасин. Британия музейи, Париж миллий кутубхонаси, Оксфорд, Кэмбриж, Сорбонна, Харвард, Йел университети кутубхоналари, Голландия, Германия, Испания, Италия, Ватикан кутубхоналари ҳамда Россия, Миср, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Покистондаги кутубхоналарда ўзимиз сақлай олмаган кўплаб ёзма адабиётларимиз намуналари авайлаб-асраб келинмоқда.

Ҳиндистоннинг дунёга машхур Патна шаҳридаги кутубхонадаги бир нодир қўлёмзада Шарқ ҳукмдорлари, шу жумладан, Амир Темур салтанатининг вазири ҳақида маълумотлар ёзилгани ҳақида ўқиганимга ҳам 40 йилдан ошди.

Аммо ҳанузгача биз бу хусусда аник маълумотга эга эмасмиз. Бир пайтлар бир ёзувчининг ўзи тўқри чиқарган вазириларнинг номлари асардан асарга кўчиб юради.

Йиллар мобайнида ўзбек тарихшunos олимлари олдига турган вазирилар чала-чулла амалга оширил-

ди. Бу вазириларни аниқлаштириш, мукамал тартибга солишни ўйлаб кўриш керак.

Биринчидан, тарихимизга оид, шу жумладан, Амир Темур шахсияти ва фаолиятига оид асл манбаларни мукамал бир тартиб асосида нашр этишни йўлга қўйишимиз керак. Иккинчидан, ўтган аждодларимизга бағишланган дунё илми ва адабиётдаги илмий-бадий асарларнинг тўлақонли каталоги муфассал баёни, камчиликлари-ю ютуқлари қайд этилган шарҳлар билан тайёрлашимиз зарур.

Дунё адабиётида Соҳибқирон ҳақида жуда кўп китоблар нашр этилган. Улар орасида ўзбек китобхони ўқиши лозим бўлганлари ҳам талайгина. Уларни жиддий танлов йўли билан нашр этиш учун тил биладиган ёш таржимонларни, маслаҳат беришга қодир тарихчиларни жалб этиш даркор.

## АМИР ТЕМУР ВА ЕВРОПА

Сўнги йилларда туркча сайтларда эълон қилинган Амир Темур билан Султон Боязиднинг ўзаро ёзишмалари билан танишиб, уларни ўргана бошладим.

Айни шу сабабдан, юқоридаги гапимни яна такрорлайман: икки турк ҳукмдори ўртасидаги муносабатларни аниқ-равшан билиш учун мактубларни ўрганиш, таҳлил этиш жуда муҳимдир.

Таъдиқотчи оlima Дилрабо Абдуллаеванинг айнан шу мавзуга бағишланган мақоласидаги мана бу жумлаларга эътибор қаратаман: Йилдирим Боязидга юборилган номада эса унинг асли насаби кемачи туркман бўлгани айтилиб, шу кунгача уруш очмай турилгани баён этилади.

“Сен фаранг кофирлари била газотга машғулсен. Ва агар биз ул сори борсак, мусулмонлар ташвишда бўлурлар ва кофирлар шодмон бўлғайлар. Зинҳор базинҳорким атоларининг тарикаларини сақлағил ва аёғингни ўз ҳаддингдин узотмағил, ўзунга мағрур бўлмағил”.

Келтирилган бу гаплар яна бир ёлғонни яланғочлайди: мустақилликнинг дастлабки йилларида Фарбга ёқиш масаласида айтилган, тарихий ҳақиқатдан кўра, сиёсий нуқта назарга амал қилиб, “Амир Темур Европа халоскори” деб жар солганимиз ҳам асосиз эканини кўрсатади.

Худди шунингдек, усмонлилардан халос этгани учун миннатдорлик рамзи сифатида Европада Амир

Темурга ҳайкал ўрнатилган, деган гап ҳам қуп-қуруқ лоф эди.

Анигини айтадиган бўлсак, ҳайкал эмас, бемалол иш столи устига қўйса бўладиган кичкина ҳайкалча мавжуд бўлган. Европа ҳамжамияти билан бу асосиз гапларни айтмасдан ҳам яқинлашиш мумкин, деб ўйлайман. Дунёнинг тараққий топган қисми билан яқинлашиш учун лоф ишлатиш шарт эмас.

## УЛАР СОҲИБҚИРОННИ ИЛОҲИЙЛАШТИРИБ, ГҶЁКИ ФАРИШТАГА АЙЛАНТИРИБ ЁЗИШИМИ ИСТАЙДИ

Бир нечта театр раҳбарлари мендан Амир Темур ҳақида пьеса ёзиб беришимни сўрашди. Лекин мен бу таклифларни рад этишга мажбур бўлдим. Чунки ўша театрлар раҳбарларининг мақсадини жуда яхши биламан. Улар Соҳибқиронни илоҳийлаштириб, гўёки фариштага айлантириб ёзишимни истайди. Бу менинг шу пайтгача орттирган тажрибаларим, илму адабиёт хусусидаги тушунчаларимга зид келади.

Ҳар қандай тарихий шахс ҳаёти ва фаолиятини безамасдан, лоф қўшмасдан, борича кўрсатишимиз керак. Акси бўлгани учун ҳам ҳамон Амир Темурнинг мукамал образини ярата олмаётгандирмиз.

Эҳ-ҳе, Амир Темур ҳақида ҳали қанча асарлар, пьесалар ёзишга етадиган мавзулар бор. Афсуски, биз фақат муз тоғининг сув юзига чиқиб турган учини кўрибгина хулосалар ясаймиз.

Ўз ўрнини топишга уринаётган миллий адабиётимиз ва тарих илми олдига ҳам фақат ягона қатъий мезон кўндаланг турмоғи, яъни: ўтмишимиз ёки аждодларимиз фаолиятини, улар қолдирган меросга бағишланган асарлар фақат ва фақат бадий ҳақиқатдан юксак, илмий асосланган бўлмоғи лозим. Ёзилган асарларни фақатгина Амир Темур ёки Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ёки Мирзо Бобур ҳақида ёзилгани учунгина мақтамасдан, бу асарларда акс этган тарихимиз, аждодларимиз ҳаёти нечоғли ҳаққоний, нечоғли бадий юксак ифодалангани теран таҳлил этишимиз шарт.

Фақат шундай бўлгандагина, сохта ва бадий саяёз асарлар пайдо бўлишини олдини олишимиз мумкин.

**Хуршид ҚОДИРОВ  
суҳбатлашди.**

Қисқартириб олинди.



РАДА

Устоз Абдулла Ориповнинг “Митти юлдуз”, “Онажон”, “Руҳим” каби китобларини қўлдан қўймай, ёд бўлгунча ўқиб, ҳайқириб юрган ёшлик кезларим эди. Ўша паллар устозни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Дўрмондаги “Ижод” боғида кўрганман. Жуссаси кичиккина, кўзларининг қаърида порлаб турган нурдан шеър ёгилувчи, адабиёт ихлосмандларини сўз сеҳри билан ром этган машҳур шоирга мени Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим таништирган эди. “Турсун Али – кувалик жияним”, дегани ҳамон ёдимда.

Ўша-ўша, Абдулла ака билан ака-ука, устоз-шогирд бўлиб қолдик. Ҳали машқларим гўр, хом бўлса-да, ўзи билан адабий учрашувларга бошлаб борар, давраларда бағрикенглик билан менга ҳам навбат берар эди. Шеърларимдан ўқиб, устознинг шарофати ва мөҳри билан рағбат ва эътибор олар эдим. Хонадонларига (у маҳаллар шаҳар марказидаги тўққиз қаватли уйда яшарди) ҳам тез-тез бориб турардим. Ҳар гал, албатта, янги шеърлар ёзган бўларди. Овоз чиқариб ўқи, деб менга кўлёмаларини тутарди. Баланд овозда ўқир эканман, “Тўхта, бу сўзнинг ўрнига мана бу сўзни қўйиб ўқи-чи”, деб шеърга тузатишлар кирита-кирита, “Қалай, энди меъёрига етдимми?” деб шодланиб кетарди. Хуллас, ҳар бир янги шеърни қайта-қайта ўқиб, яна тузатиб, таҳририятларга берар эди. Ҳатто матбуотда чоп этилаётган пайтда ҳам ўзи эринмай бориб, ўзгартиришлар қиларди.

Бир куни “Шеърларингдан олиб ишхонага ўт, сенга оқ йўл ёзиб бераман”, деди. Машқларимни саралаб бўлган, менга икки жумла сўзни айтиб туриб ёздирди. Бор, машинкадан чиқариб кел, деди. Кўчирилган матнни яна бир-икки марта ўқиб, икки-уч сўзни қисқартирди. Кейин ҳозирги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг ўша пайтдаги бош муҳаррири, профессор Лазиз Қаюмовга бориб учрашимни тайинлади. Кўп ўтмай, шеърларим газетанда чоп этилди. Гарчи машқларим бадиий жиҳатдан кўпма мукамал бўлмаса-да, Абдулла Орипов сўзи остида чиққани мени роса қувонтирди.

Абдулла ака билан қачон учрашсак, суҳбатимиз албатта адабиёт, шеърят ҳақида қизғин кечарди. Устознинг хотираси шу қадар кучли эдики, ҳеч нарса ёдидан кўтарилмасди. Гоҳ Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Пушкин, Лермонтов, Шекспир, Данте ва яна кўплаб дунёга машҳур шоирлар ҳақида сўзлар, бу даҳоларнинг гўзал шеърларидан истаганча ёддан айтиб берарди.

Гафур Фуломнинг унга ўзи кийиб юрган дўпписини кийдиргани, Ойбекнинг уюшма аъзолигига тавсиянома ёзиб бергани, Ҳамид Олимжоннинг дилбар, сўлим шеърятни, Миртемирнинг соддалигини, уюшма залида шеър ўқиганида ҳар хил фикс-фасодлардан Шайхзода ва Ойбек домлалар асраб

# Тоғлар қуламас



қолганликларини кўп эслар эди. Айниқса, Усмон Носирнинг шеърятини ва қисматини ёниб хотирларди. Мана, шоирнинг Магадан қамокхонаси деворида қон билан ёзиб қолдирган тутқун қушча ҳақидаги шеъри, дея ёд ўқиганди. Унинг ҳибсда ёзган шеърлари кўрпаси билан ёндириб юборилган, деб афсус-надомат ила изтироб чеккан эди.

Абдулла ака “Дўрмон” ижод боғини яхши кўрарди. Ҳали дала ҳовлиси бўлмаса-да, тез-тез ижод боғига чиқарди. Қиш кунларининг бирида “Юр, Москвадан таржимон келган. Ундан хабар олгач, айланиб келамиз”, деб, машинасига бошлади. Таржимонини кўргач, кимсасиз боғни айланиб, оқ қировга бурканган мажнунтолга узоқ тикилиб қолди. Сўнг бироз юргач, Асқад Мухторнинг дала ҳовлисида ўсаётган эман дарахтига нигоҳ қадади... Хаёллар оғушида етаклашиб хонасига кирдик. “Туман тушаётир қирларга сокин” дея шеърнинг биринчи сатри ёзилди. Зум ўтмай кичкина, аммо теран шеър яралди. Битта-ярымта сўзларни ўзгартирди-да, “Асқад Мухторга бағишлайман, десам нима дейсан?”, деди дадил оҳангда. Бу бир шеърнинг ёзилиш тарихи. Абдулла аканинг кўплаб шеърлари яралишига бевосита гувоҳ бўлганман.

Вақти келиб, “Дўрмон” да қўни-қўшни бўлиб яшадик. Бир куни “Э, сени кўрганим яхши бўлди, юр уйга, уч-тўрта шеър қоралаб қўйганман. Ана ўшаларни бераман. Ўзинг ишлаётган “Ўзбекистон овози” газетасида чиқарасан”, деб қолди. Мен шеърларни тинглаб:

– Бу кўлёмза яхши туркум учун ҳали кам эмасми, устоз? – дедим беихтиёр.

– Э, ҳар замонда матбуотда кўриниб турмасанг, мухлислар “Абдулла Орипов ҳам оламдан ўтиб кетибди”, демайдими? – дея куонди. Яна кўшимча қилиб: Ёзганларинг газетанда чиқса, у ер-бу ерда қолиб кетмайди. Ўқувчисини топади, – деди.

Кўз оқшоми эди. Дала томонда устозни уй кийимида учратдим.

– Ҳой, Турсун Али, қалайсан? – деди ҳассага таянган ҳолда.

– Ассалому алайкум, устоз. Мен тузук, ўзингиз яхшимисиз? – дедим баланд кайфиятда.

– Қара, тепамиздан осмонни ларзага солиб, қушлар ўтпти, – деди кўкка маънос, ўйчан тикилганча. – Бу кўшларнинг эрки ўзи билан...

Ўша пайт шоирнинг тилидан аллақандай мунгли овоз учди рўйи заминни титратди. Шу ҳолат Абдулла ака оламдан ўтгандан сўнг менинг юрагимдан шеър бўлиб тўкилди:

*Дўрмон боғларида учрашдик.  
Куз эди,  
Дарахтлар ёнарди чўғдек.  
Тепамизда парча булутдай қушлар  
Учарди ҳавони кесиб пичоқдек.  
Кўз қадаб осмонга Абдулла Ориф:  
“Ай қушлар,  
бахтисиз,  
учасиз эркин,  
истак,  
хоҳишингиз йўллар,  
қай тараф –  
сизни осмон кучар,  
кенгликлар сокин” – дея,  
у ҳайқирди,  
чўкиб юраги,  
уфқда кўзлари қолди жовдираб. . .  
... Бугун ҳам куз,  
Титрар дарахтлар барги,  
Бир ўзим юрибман боғда довдираб.  
Пойимда хазонлар, шамоллар эсар,  
Учиб кетган Шоир – қушларга ҳамроҳ.  
Қалб кўкида соғинч тўлқини кезар,  
теграмда дарахтлар мунғаяр титроқ...*

Абдулла Ориповни мен бургутга менгазайман. Буюк шоир Ватан, халқ озодлиги, ҳурриятни сурур билан шеърларида мадҳ этди, қувонди, шодлиги оламга сигмади. У она юртидан олисда, океан орти Америка тупроғида бандалиқни бажо келтирди...

Жанозаси куни муҳташам ҳовлидаги уй пештоқига шоирнинг улкан портрети осиб қўйилди. Халқ дарё каби чайқалиб турди. Ўшанда Ўзбекистон Президенти вазифасини вақтинча бажарётган, Бош вазир Шавкат Мирзиёев барча азадорларга ҳамдардлик билдирар экан, ҳаммани шоир портретига – Абдулла Орипов билан видолашгани чорлади. Ўқсик кўнгиллар кўзгалди...

## ТОҒЛАР ҚУЛАМАС

1

*Қариётган куз. . .  
Ватандан олисда,  
Она тупроқ тафтин соғина  
Кўз юмди Улуғ шоир.  
«Дўрмон» боғларида дилгир япроқлар  
Кўз ёшдек дув-дув тўкилди.  
Не кўнгиллар чок-чок сўкилди.  
Шоир кузни севар эди, рост...  
Севар эди халқини,  
Туғилган тупроғини,  
Севар эди она тилини.  
Сув қилиб ичганди  
Она юртга,  
Она халққа севги илмини...  
Бу кун  
Она тупроқ қўйнида ётур,  
Куз каби сокин.  
Ҳам куздек сарғайган қўйи.  
Балки у олаётир тин.  
Йўқ, йўқ,  
У шеър битаётир.  
Кўқда қуёш балқир кўксин куйдириб,  
Мунғайган дарахтлар шохиди  
Қушлар қалқир.  
Дунё ҳоргин олади нафас,  
Гўё осмон унгадир қафас.*

2

*Дафн маросими...  
Улуғ шоир кетаётир Абадият ватанига,  
Бахшию раҳбарлар  
Шоир, адиблар,  
Олим, уламолар,  
Шогирд, кабирлар,  
Мухлислар дарёдек оқдилар.  
Ўтли вужудларин ёқдилар.  
Юрт сарбони маънос, қайғули,  
«Тоғ қулади»  
Дея овози титрар маънос.  
Маънос титрар осмон,  
Маънос титрар Борлиқ...  
Эй воҳ,  
Шеърятнинг пуриқор тоғи қулади.  
Дил чекади оҳ,  
Вужу ингранар...  
Замин тўлганар...  
Наҳот,  
Наҳот,  
Тоғлар ҳам қулайди?!  
Ўқсик юрагимга бераман таскин,  
Киприқларим юмаман бир зум,  
Очаман намланган кўзларим.  
Ў, юрагимда шеърин сатрлар қолган,  
Булуларга ёндош тоғлар мисоли.  
Шеърят тоғлари қуламас асло!*

Турсун АЛИ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси

# МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ МАМЛАКАТ НУФУЗИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

**Шу боис Президентимизнинг “Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида “Ўзстандарт” агентлиги ҳузурида Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти ташкил этилган эди.**

Департамент ўтган давр мобайнида ўз олдига аниқ мақсад ва вазифаларни қўйган ҳолда соҳада қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш ва ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш ишларида фаолият кўрсатди. 2019 йилда иш бошлаган департамент мутахассислари томонидан республика миқдосда 2 144 та тадбиркорлик субъектлари фаолияти ўрганилиб, уларга 3 430 та техник регламент ва стандарт етказиб берилди. Утган 2020 йилда эса 3 761 та шундай субъектларга кўмақдош бўлиб, 2 450 та корхонага зарур бўлган 8 211 та техник регламент ва стандарт билан таъминлашга эришилди.

Президентимиз ташаббуси асосида ўтган йилдан бошлаб барча ҳудудларда 300 дан ортиқ саннат кластерлари ташкил этилган бўлса, уларнинг манзилли рўйхати шакллантирилди. Бундан кўзланган асосий мақсад, ҳар бир

кластер корхонаси фаолиятини таҳлилий ўрганиш орқали уларга амалий кўмак бериш.

Саннат кластери корхоналарига киритилган корхоналарнинг паспортлари шакллантирилди ва уларга 3 699 та стандарт етказиб берилди. Кластер таркибидagi ҳар бир корхонага соҳаларга оид зарур маълумотлар жамланган қўлланмалар ишлаб чиқилиб, тарқатилди. Маҳсулотларнинг экспорт имкониятини кенгайтириш мақсадида 373 та корхонага Евроосиё иқтисодий иттифоқи, Европа Иттифоқи, Хитой, Япония, Ироқ ва Покистон давлатлари талаблари ҳақида маълумотлар етказилди.

Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги 26 та корхона томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Европа бозорларига экспорт қилиши учун Global GAP халқаро стандартини жорий қилиш учун ҳужжатлар тайёрланиб, Экспортни рағбатлантириш агент-

лигига тақдим этилди.

Департамент ўз ваколати доирасида қонун бузилишларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни ҳам амалга ошириб келмоқда. Янги, ишлаб чиқариш соҳасида етарли тажрибаси бўлмаган тадбиркорлар биле билмасдан қонунларда белгиланган нормаларга зид хатти-ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин. “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида” ва “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонунлари талаблари бузилишининг олдини олиш бўйича сертификатсиз фаолият юритаётган 281 та ишлаб чиқариш субъектига маҳсулотлари сертификатлаштирилишида амалий ёрдам кўрсатилди. “Метрология тўғрисида”ги қонун талаблари бузилишининг олдини олиш бўйича 519 та корхонанинг 2 810 та ўлчов воситалари давлат қиёсловидан ўтказилди. “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”



ва “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонунлар талаблари бузилишини олдини олиш бўйича корхоналар 2 450 та стандарт ва техник регламентлар билан таъминланди.

Утган 2020 йилда 21 та мувофиқликни баҳолаш идоралари томонидан расмийлаштирилган 179 та ҳужжатлар тўплами таҳлил қилинганда, уларда 166 та номувофиқликлар мавжудлиги аниқланди. Мамлакатимизда ички ва ташқи сифатда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ривожланган давлатлар билан иқтисодий ҳамкорликни яхшилаш, экспорт-импорт амалиётлари билан шуғулланувчи тадбиркорларга эса қулайлик ва имтиёзлар яратишга қаратилган. Бу жараёнда ўз-ўзидан ички бозорларимизни, истеъмолчилар-

римизни хавфли ва сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш ўта долзарб. Шу боис улкан бозорга айланган Европа Иттифоқи ва Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи (ЕОИИ)да амалда бўлган хавфли маҳсулотлар ҳақидаги тезкор ахборот тизимлари ўрганилиб, юртимизда ҳам шундай тезкор ахборот тизими – **control.standart.uz** ташкил этилди. Унда ЕИ ва ЕОИИ мамлакатларига олиб кириш тақиқланган 800 та маҳсулот тўғрисидаги маълумотлар ўзбек ва рус тилларида жойлаштирилди. Мазкур сифатсиз маҳсулотлар ҳақидаги маълумот Давлат божхона кўмитасига тақиб киритиш мақсадида тақдим этилди. Сифатсиз маҳсулотларни республикамизга кириб келишининг олдини олиш мақсадида 75 та сертификатлаштириш идораси огоҳлантири-

либ, фаолияти назоратга олинди.

Албатта, департамент фаолияти бундай натижалар билан тўхтаб қолмайди. Асосий мезон ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар фаолиятига кўмақдош бўлиш ҳамда бунга эришишдир. Чунки миллий маҳсулотларимиз мамлакат нуфузи, тезкор ахборот тизими – тараққиётимизни белгилаб берадиган муҳим мезон. Янги Ўзбекистоннинг янги маҳсулотлари дунё бозорларида ўз номи ва обрўсига эга бўлса, ўз мақсадимизга эришамиз.

**Комилжон БЕКМИРЗАЕВ,**  
 Техник жиҳатдан тартибга солиш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти бошлиғи ўринбасари

Экология

## ЎЗАНДАГИ ЎЗБОШИМЧАЛАР

**Навоий вилоятининг Кармана туманида 12, Навбахор туманида 10, Хатирчи туманида 7, Қизилтепа туманида 10, Томди туманида 21, Учқудуқ туманида 18 гектарлик ер майдонларидан норуда қазилмалар ғайриқонуний тарзда ташиб кетилган.**

Лангар ва Кўктоғ тизмаларидаги фойдали ресурсларнинг аҳоли томонидан ўзбошимчалик билан қазиб олинishi оқибатида тоғларнинг табиий кўриниши ўзгариб қолмоқда. Эконазорат инспекторларининг тушунтириш ишларидан деярли наф бўлмагач, жиддий маъмурий чоралар кўриляпти.

Масалан, 2020 йил давомида вилоят ҳудудида ўтказилган тезкор рейдлар вақтида 128 та ҳолатда ҳуқуқбузарлар аниқланиб, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг

70-моддаси 1-қисми билан жами қарийб 328 млн. сўм миқдорида маъмурий баённомалар расмийлаштирилди. 3500 тоннадан ортиқ норуда қазилмаларни сақлаб қолишга эришилди.

Дарёлар четидаги қум-шағал захираларидан ноқонуний фойдаланиш туфайли ўзанлар чуқурлашиб, ер усти ва ер ости ичимлик суви захираларининг ифлосланишига, соҳилдаги стратегик объектлар, жумладан, кўприklar, магистраль йўллар, газ ва сув қувурлари хавфсизлигига

жиддий хавф солаётир. Шу билан бирга, дарё ўзанларида ҳосил бўлган ноқонуний чиқиндиҳоналар, ўз навбатида, маҳаллий аҳоли орасида турли юкумли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Дарё ўзанларининг чуқурлашиши қирғоқлар ўпирилиши, ботқоқликлар пайдо бўлишига олиб келяпти. Энг хавфлиси, дарё атрофида деҳқончилик юритиб келаятган маҳаллий аҳолининг минглаб гектар майдонлари ва хўжалиklarнинг сув таъминотига салбий таъсир кўрсатиши натижасида экин ерларининг таназзул жараёни тезлашмоқда.

Навоий вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор назорат рейд тадбирлари давомида баъзи “тадбиркор-

лар”нинг техник шартларга зид равишда қум-шағал материалларидан тартибсиз равишда фойдаланаётгани аён бўлди. Жумладан, Кармана тумани “Кўҳна қўрғон” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи Зарафшон дарёси ўзанини тозалаш фаолиятини олиб борувчи ЯТТ “Фазлиддин Айназаров” учун харитада ажратилган майдон бир четда қолиб, ўзига белгиланмаган жойдан қонунга зид равишда табиий ҳолда ўсган юлғун буталарини пайхон қилган, қум-шағал маҳсулотларини қазиб олиб, сотиш ҳолати аниқланди.

Зарафшон дарёси асосан аҳоли ва корхоналарни ичимлик суви билан таъминлашга ихтисослашган бўлиб, уни ҳар хил чиқиндилар билан ифлослаш, маиший оқова сувларни оқизиш, қум-шағал қазishi ва бошқа ишларни олиб бориш

тақиқлаб қўйилган. Бошқача айтганда, Зарафшон дарёсига “Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудуд” номи берилган. Шунга қарамасдан, ЯТТ “Фазлиддин Айназаров” табиатга беписандликларча иш тутган.

Ноқонуний қарьерлар атрофдаги ҳудудлар тупроғини, ҳавосини, сувини ифлослайдиган, аҳоли турмушининг гигиена шароитлари ва ландшафтини бузадиган манбага айланади. Қазилма бойликларни очиқ усулда қазиб олиш натижасида ҳосил бўладиган ва тартибсиз жойлашган қарьерлар, тупроқ ва тоғ жинслари уюмлари табиий ландшафтларни бузиб, уларга гиёҳ ҳам ўсмайдиган чўл манзарасини беради.

**Хайрулла БАҚОЕВ,**  
 Хуршид ТОШЕВ,  
 Навоий вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси масъул ходимлари

# ҚОНУННИНГ КУЧИНИ КЎРСАТАМАН

## дегандим ижрочиларга, лекин охиригача кўрсатолмаяпман, сабаби...



...Беш йил аввал уйимда эшик кўнғироғи чалинди. Очдим. Тўрт нафар йигит ўзларини суд ижро департаменти ходимлари деб таништириб, газдан 300 минг сўм қарзим борлигини ва уни тўлашим кераклигини айтишди. Мен охириги тўланган қитанчагина кўрсатиб “Қарзим йўқ, ана, ҳисоблагич ёзувини кўринглар, пломба бузилмаган”, дедим. “Йўқ, қарзингиз бор, тўлан”, дейишди улар. Мен жиддий эътироз билдирдим. Кетишди. Орадан бир соатга яқин вақт ўтиб, энди ўн киши бўлиб келдилар: “Тўлайсанми-йўқми, биз сенга ижронинг кучини кўрсатиб қўямиз!”, дея дағдаға қилишди. “Мен сизларга қонуннинг кучини кўрсатиб қўяман!”, дедим ва улар энди ҳисоблагич пломбасини қасддан бузиши мумкинлигидан хавотирланиб уйга киритмадим. Икки-учтаси биргалашиб қўлимни қайиришди, ичкари киришди. Қий-чув бўлиб кетди. Хотиним “Бериб юбора қолинг шу пулни”, деб ичкаридан 300 минг сўмни олиб чиқиб берди. Вассалом!

Улар менга ваъда қилган ижронинг кучини ўша захоти кўрсатдилар!

Мен эса уларга ваъда қилган “қонуннинг кучини” кўрсатаман деб, мана, беш йилки, овораю сарсонман. Ҳатто шу орада судья ва ижрочиларга тўхмат қилганликда айбланиб, мен ишонган қонуннинг ижрочилари томонидан “қонуний” маъмурий жавобгар ҳам бўлдим. Рост, кейин бу қарорни ноқонуний деб топилишига эришдим. Яъни, қонун зўрға-зўрға, “дод-вой”нинг зўри билан қаердадир сал ишлаб қолаяпти. Тўла эмас! Қачон тўксигина ишлар экан-а? Эҳ, ўша кунларга ета олармикинман?..

Энди бир бошдан айта қолай.

Ўзим асли юристман. Ички ишлар органларида узоқ йиллар терговчи бўлиб ишлаб, пенсияга чиққанман. Мендай ҳуқуқшуно одам, қонун қачон қонундек ишлашини орзу қилиб, беш йилдан бери сарсон бўлиб, ўзимга нисбатан прокуратура ва суд томонидан ишлатилган қонунбузарлик ҳолатларига дод деб шунча вақт умрим кетган бўлса, ҳуқуқий билими йўқ, оддий халқ нима қилсин?

Бу жуда катта ва жиддий савол!..

Демак, ўзимга етказилган маънавий зарарни – ижрочилар томонидан зўравонликка учраганим, таҳқирланганимни қоплаш бўйича судга мурожаат қилдим. Ҳар қандай ҳуқуқий-демократик жамият, мустақил давлатдаги каби суд қарор чикарди. Яъни, ўн нафар ижрочидан саккизтаси суд мажлисида чакриувиға узрси сабаб қилмади, икки нафари қатнашиб кўрғазма берди, судда гўёки қатнашди, деб ҳал қилув қарорига кўрсатилган учинчи ижрочи Жўраевнинг иштироки қалбакилаштирилди. Мен суд мажлисида берган, ишининг қонуний ҳал қилиниши учун муҳим бўлган бир нечта саволларим суд мажлиси баённомасига қасддан киритилмаган: баённома кўлёзма ёзилди, сўнгра компьютерда кўчирилганда ўша саволлар тушириб қолдирилган. Шунингдек, ижрочиларнинг менга жисмоний тазийқ ўтказгани

тўғрисидаги кўрсатмаларим ҳам тушириб қолдирилган, киритилмаган. Ва оқибатда, мен даъво аризада талаб қилган 50 миллион сўм маънавий зарар ўрнига 450 минг сўм маънавий зарар ундириш белгиланди! Қуласизми, қуясизми?

Ва кўриб турибсиз, шунинг ўзи билан меннинг ҳақлигим, ижрочиларнинг ноҳақлиги исботланди. Шунисиға шуқр қилиб кетаверсам бўларди. Бироқ... мен юристман – нега ҳақиқатнинг чала бўлишига қараб туришим керак? Ҳал қилув қарори – қонуннинг буй-баста эмас-ку!

...Мен, қонунни чалажон қилган муаллифни – 2015 йил 9 октябрда қақарилган ҳал қилув қарорини имзолаган Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судининг судьяси А. Бобомуродов суд мажлиси баённомасини қасддан сохташтиргани учун жинойий жавобгарликка тортишни сўраб, Бухоро шаҳар прокурорига ариза ёздим. Катта терговчи Ж. Фодуровга бир неча ой қатнадим. У ҳам бугун-эрта деб тайсаллайверди. Охири, мен билан бирор марта мазкур иш бўйича суҳбатлашмасдан, савол-жавоб қилмасдан, меннинг аризамга 2017 йил 13 январда жавоб юборди ва...  
Мен судья ва ижрочиларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун уларга қонуний чора кўришни сўраб мамлакатда қонунийликни назорат қилувчи давлат органига ариза ёзганим – “ошна-оғайниларига, ҳамкасбларига тил текказиб беодоблик қилганим учун” ўзим жавобгарликка тортилдим: уларга тўхмат қилган эмишман! Яхшиям, “пок номимизни булғадинг” деб биратўла жиноят иши кўзғатворишмабди, шунисиға ҳам шуқр.

Эътибор беринг, бу факт-ҳодиса салкам ўттиз йилдан буён суд-хуқуқ ислохотлари олиб борилаётган, янги Президент дастлабки фармонини суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга бағишланган мамлакатда рўй бермоқда!..  
Ана энди мен қонун, “хуқуқ посбонлари” бошимга ёғдирган қорни курашга мажбурман. Шуғулландим ҳам.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди меннинг арз-додларимга, далил-дастакларимга қарамай, 2017 йил 6 февралда, судья Б. Тошев раислигида, мени Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддаси билан айбли деб топди ва оғохлантириш билан кифояланди. Яъни, айбдорману мурувват кўрсатилиб, оғохлантирилдим. Судьяга нисбатан аризабозлик учун оғохлантирилдим, шекилли...  
Мен эса тўхтамадим. Қизиқ эдики, мен умримни сарфлаган тизим қандай экан-а?

Кассация шикоятни ёздим. Жиноят ишлари бўйича вилоят суди кассация инстанциясининг 2017 йил 22 мартдаги қарори: “Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг Тўхсанов Ахмад Ражабовичга оид маъмурий иш бўйича 2017 йил 6 февралдаги қарори ўзгартирилган, кассация шикояти қааноатлантиришсиз қолдирилсин. Жиноят ишлари бўйича вилоят судининг судьяси С. Найимов”.

Кутилган қарор. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди, ахир йиллар давомида шаклланиб, қотиб қолган тизим бўлса. Бироқ бу даврга келиб янги юртбоши ҳақиқат шабадаси мураватларини шиддат билан бурай бошлаган эди. Олий суд мутасаддилари тарихда кўрилмаган ҳолат – вилоятларга халқ билан сайёр учрашуларга бора бошлаган эди. Олий суд раисининг фуқаролик ишлари бўйича ўринбосари Файзулла Абдуазимов Бухорога келган эди. Қабулига кирдим, ҳужжатларни тақдим этиб, уч-тўрт оғиз сўзимни эшитганданок, масала мохиятини англади, “кўриб чиқамиз” деди.

Билдимки, Олий суд раиси ўринбосарининг кўрсатмаси билан қотиб қолган доиранинг бир четидан туйнук очилиб, ҳақиқат – қонунийлик шабадаси кирди ичкарига: жиноят ишлари бўйича вилоят суди раисининг ўринбосари ишни ўрганиб, ноқонуний ҳолатларнинг астар-аврасини ағдарди, 2017 йилнинг 18 май санасида назорат тартибида қарор чиқарди.

Ундан кўчирмаларни айнан келтираман: “Суриштирув ор-

гани ёхуд суд, судья А. Бобомуродовга қандай маънавий, жисмоний зарар етказилганига аниқлик киритмаган. Иш бўйича судья А. Бобомуродов, МЖТКнинг 295-моддасига кўра, жабранувчи деб топилмаган. Судья А. Бобомуродов томонидан А. Тўхсановнинг ҳаракатлари оқибатида унга зарар етказилгани хусусида ариза-мурожаати мавжуд эмас. Суриштирув органи томонидан судья А. Бобомуродовдан мазкур ҳолат юзасидан қонунда белгиланган тартибда тушунтириш олиш чоралари кўрилмаган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги материалда Б. Джуроев, Р. Қнатов, Н. Ахмедов, С. Авазовлар томонидан уларга А. Тўхсанов тўхмат қилгани тўғрисида аризалар мавжуд. Аммо, суриштирув органи мазкур аризалар асосида А. Тўхсанов қайд этилган фуқароларга қайси ҳолатлар юзасидан, нима деб тўхмат қилгани хусусида тўлиқ текширув ишларини олиб бормаган, тегишли тартибда ариза юзасидан қарор ҳам қабул қилмаган.

Бундан ташқари, суриштирув органи А. Тўхсановга нисбатан МЖТКнинг 40-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатиш тўғрисидаги қарорни 2017 йил 12 январда қабул қилган бўлса-да, А. Тўхсановга тақдим этмаган. Таништириш чорасини кўрмаган.

2017 йил 12 январда Бухоро шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси Ж. Фафуровнинг 15/706ш-16-сонли хати билан А. Тўхсановга маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш билан танишиб чиқиш учун Бухоро шаҳар прокуратурасига 2017 йил 13 январь куни келишингизни сўрайман деган хати материалга илова қилинган бўлса-да, мазкур хат юборилганини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд эмас. Мазкур ҳолат ҳам А. Тўхсановни суриштирув натижаси бўйича қабул қилинган қарор ва материал ҳужжатлари билан таништирилмаганидан дарак беради.

Биринчи инстанция суди мазкур қонунбузилишларга эътибор бермасдан, материални судда муҳокама қилиб, атрофлича ўрганмасдан, шошма-шошарлик билан қарор қабул қилган.

Кассация инстанцияси суди ҳам қайд этилган камчиликларни бартараф этиш чорасини кўрмаган. Балки, ҳуқуқбузарликда гумонланаётган шахсни иштирокисиз материални муҳокама қилишга маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахсга ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида хабар қилингани хусусида маълумотлар бўлган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкинлиги қонунда белгиланган бўлса-да, бундай маълумот мавжуд бўлмаган ҳолда 2017

йил 22 март куни материални А. Тўхсанов иштирокисиз мазмунан кўриб чиқиб, Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 294-моддаси талабини бузган.

Мазкур ҳолатда биринчи инстанция ва кассация инстанцияси суди қарорларини қонуний, асосли деб бўлмайдди.

Қарор: Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2017 йил 6 февралдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддаси билан Ахмад Тўхсановни айблаш ҳақидаги қарори ва ушбу қарорни ўзгартирилган ҳолатдаги қарорни ўзгартирилган ҳолатдаги жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди кассация инстанцияси судининг 2017 йил 22 мартдаги қарори бекор қилинсин.

Маъмурий иш Бухоро вилоят прокурори орқали қўшимча суриштирув ҳаракатларини ўтказиш учун юборилсин.

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси ўринбосари А. Утаев”.

“Беихтиёр, бўлар экан-ку!” деб юборасиз бу қарорни ўқиб. Ҳа, бўлар экан. Бироқ қувончли ва айни пайтда оғрикли ҳолат: бизда қонунлар қачонгача шахс, инсон омилли орқали ишлайди, агар Президентимиз жамиятда қонунийликни қарор топтиришга жон куйдириб Олий суд мутасаддиларини вилоятларга юбормаганда – юқоридаги маъмурий иш ва бошқа шунга ўхшаб минглаб жиноят, фуқаролик ишлари бўйича чиқарилган ноқонуний қарорлар ботбоққа ботгандек кўмилиб ётаверармиди? Ҳа-да, албатта-да!

Ўзгартиш, янгиланаётган Ўзбекистон – қувончли ҳол!

Бироқ, қонунлари юқоридан назорат билан, инсон омилли орқали ишлайдиган, қонунийлик шунчаки қонунлар асосида таъминланмайдиган жамият – хавотирли жамият эмасми?..

Янгиланаётган Ўзбекистонда бугун қарорлари ноқонунийлиги учун бекор қилинган Фафуровлар, Тошевлар, Найимовлар, афсуски, бармоқ билан санарли эмас, улар минг-минглаб. Минг афсус...

Аммо эрта хурсанд бўлган эканман. Ханузгача жим-житлик. Билмадим, қонун кучи қачон ўзини баралла кўрсатади? Қачон? Бугунми, эртагамми? Мен қачон ҳуқуқий-демократик жамиятдаги каби ноқонуний жазолаган судьядан, таҳқирлаган ижрочилардан қонуний маънавий зарарни ундираман?


Ҳозирча – йўқ, чунки давволар хануз рад этилмоқда, суднинг қарори ноқонунийлиги тўғрисида бекор қилинганидан кейин ҳам...

Ахмад ТЎХСАНОВ,  
собиқ терговчи, майор

# Театрда ТИК-ТОК

## ёхуд эгасини тополмаётган спектакллар

**...Туш пайти компьютер нурларидан толиққан кўзларимни юмиб, дам бердим. Кейинги пайтлардаги чарчоқ елкамни тобора букиб бораётгандек. Рухий эзгинлик ишни ҳафсала билан бажаришимга йўл қўймасди. "Театрга тушсам-чи?".**



Телефонни очиб, пойтахтдаги театрлар репертуари билан қизикдим. Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишланган "Хамса" мусиқали спектаклининг премьераси бор экан! Рўйхатда комедияли сахна асарлари қалашиб ётган бўлса-да, фақат шуни кўргим келди, қаҳрамонлари, мумтоз ғазаллари, шохбайтларини маҳоратли актёрларимизнинг тилида жонли тинглагим келди. Кеч бўлишини интиқ кулганимни тасаввур қилолмайсиз.

Бозордан гулдаста олиб, муборак даргоҳ сари отландим (одатим шу, театрда ҳадисиз боролмайман, энг чиройли ижро муаллифини тақдирлагим келади, санъатини қадрлашни ва бу билан фидойи касб эгаларини янада руҳлантиришни истаيمان).

– Кайфиятингиз чоғлиги ва қўлингиздаги гулни кўриб, концертга боряпсизми деб ўйлабман, – дейди такси ҳайдовчиси манзилимни эшитгач.

– Нега, театрда гул олиб борилмайдими?

– Асосан концертга оборишадими-да. Театрга ёши катталар, нари борса, талаба ёки ўқувчилар киради... Ҳайдовчиға эътироз билдирмадим, тўғрироғи, кайфиятимдаги томошага ташналигимни тарқатиб юборишни истамадим.

"Ваҳ!". Театр томоша залига киришим биланок ҳайратим ифодаси бўлмиш шу сўз отилди тилимдан. Саҳна шунчалик дид билан ва асар мазмунига, даврига мос ишланганки, ҳали спектакль бошланмасидан Навоий ҳазратларининг замони – XV аср билан рўбарў бўлдим! Асарни қадрловчилар ҳали орамизда кўп экан, шекилли, ташриф буюрганлар ҳар қачонгидан ортиқ эди (икки-уч қатордагина томошабин ўтирадиган ҳоллар ҳам бўларди-да).

Ниҳоят, спектакль бошланди. Ҳазрат Навоий саҳнага чиқиб келдилар. Бир асар битмак дардида эканликларини айтиб, кезиндилар. Яратгандан мадад, устозларидан дуо сўрадилар. Ўзларигача бундай асарни битган Ни-

зомий, Деҳлавий, Жомий каби бобаракотлар (руҳи) оқ фотиҳа беришди. Сўнг илҳом парилари – гўзал малакларнинг ўзларидек гўзал рақслари қуршовида, мумтоз куйлар оҳангида асарни ёзишга киришдилар...

Театрда сөҳр бор-да. Мен аллақачон залда эмас, хаёлан Навоий бобомнинг ёнгинасида эдим. Ўқиган асаримни саҳнада жонли кўраётганим янада завқ берад, аввалига ишқдан сармастлик, кейинчалик айролик байтини айтаётган қаҳрамонларга қўшилиб йиғлар, Фарҳоду Шириннинг қисматини битиб қўйгач, бошини чангаллаб қолган муҳтарам зотга қўшилиб куяр эдим...

– Ўртоқ, мана энг зўри! – шу гап мени хушимга келтирди. Орқага ўғирилдим, боя кираверишда эътибор бермаган эканман, мендан кейинги қаторни куёвлардек ясанган, чиройли кийинган ёшлар – лицей, коллеж ўқувчилари, шекилли, тўлдириб ўтиришган экан. Ҳар қанча жаҳл ва дўқ назари билан ишора бериб, бас қилишга ундашни истамай, қўлларидаги шапалоқдек-шапалоқдек қўл телефон ойнасига бошларини эгиб олганлари учун менга аҳамият ҳам беришмади. Аксинча, "Тик-ток" ёзуви кўриниб турган видеолавахани кўришганча, ҳиринглаб, пичирлаб ўтираверишди.

– Ҳой, жим бўлинглар, – секингина айтганимни эшитган йигит қолганларга имо қилди. Жим бўлишди.

Яна саҳнага қарайман, "Лайли ва Мажнун" пардаси бошланган (спектаклда "Хамса"дан ўрин олган

дostonларнинг ёзилиши жараёни ва воқеалари ривожига қисқа манзараларда акс эттирилиб, бир-бирига устомонлик билан уланиб кетаётган-ди), девонасифат Мажнун Лайлиси ишқида муножот қилаётганди: **"Ё Раб, ишқимни ҳам билан тўйғизиб, ишқ ичра мени йўқ қилгин. Менга ишқни унут, Лайли ғамидан ўзингни четга торт, дейишади. Аллоҳ-Аллоҳ, бу қандай сўз бўлди? У одамларни Тангрининг ўзи кечирсин. Ё Раб, бу лаззатли майни истагим жомига тўлдириб қуй. Ул майни шунчалик кўп тутгинки, хушимни мутлақо унутай!"**

Сўнг қуйлай бошлади:  
**Лайли ишқин танимга жо қил,  
Лайли шавқин рангимда қон қил.  
Дардни нажотим эт, илоҳий!  
Ёдини ҳаётим эт, илоҳий!  
Дардимга хаёлини табиб эт,  
Жонимга висолини насиб эт...**

– Вуй, вуй, даҳшат-у...  
Ортада яна шовқин кўтарилди. Мен каби бошқаларнинг гув этиб ўғирилгани ёш "томошабин"ларнинг парвойига ҳам кирмади. "Қанақа боласанлар, қаерга келганларингни биласанларми ўзи?", "Ўчир телефонингни!". Ёппасига берилган танбехлардан тиржайган башаралар шапалоқдек ойнадан кўтарилди, овоз ўчди.

Яна томошага берилдим. Ҳеч қанча ўтмай, яна ҳиринглашлар, кулгилар... Бу сафар томоша зали назоратчисини чақириб, буларни тартибга олишни, керак бўлса, бу даргоҳдан ҳайдаб солишни айтмоқчи бўлдим,

чунки боягина кўзим тушганди уларга. Афсуски, тополмадим. Назаримда, улар ҳам спектакль яримлаганида диққатни бўлмаслик учун зални тарк этишган.

Ўзимни ҳар қанча тинчлантиришга уринмай, ўтиб кетаётган бебаҳо томошадан ва уни тинчгина кўролмаётганимдан фиғоним кўкка ўрладики, ичимдаги нолалар Мажнунниқандан кам эмасди. Наҳот, келаёғимиз воқисларидеб бонг ураётганларимиз, умид қилганларимиз шулар бўлса?! Безбетлик ҳам эви билан-да! Уларни бу ерга юбораётганлар икки оғиз насиҳатини ҳам айтиб жўнатишмасмикан?

Бу ҳали ҳолваси экан...  
– Қачон тугайди-и? – бодроқни ҳидини анқитганча ғачир-ғучурлатиб ёяркан деди бир қиз нозланибгина.  
– Билмадим, тезроқ тугасайди, зерикиб кетдим.

– Ўзи, нима қўйишяпти, номи нима, уйдагилар сўрашса, нима деймиз?...  
Буниси энди ошиб тушди! Бурилиб қарасам... ўртада ўтирган қизгина кўлида тутиб турган қутичадан бодроқ олаётган йигит мени кўрмасликка олиб ёнга аланглади, чагдагиси ўша ҳолида – қизнинг нозиккина елкасига иягини тираганча сурбетларча кўзини сузиб тураверди...

Хуллас, шу зайлда "томоша" якунланди. Дам оламан, бир олам маънавий завқ оламан деган орзуларим чиппака қикди. Бир таъзирларини бериб аламиндан чиқай десам, мажбуран жўнатилган бефаросат безбетлар аллақачон жуфтаникни ростлаб бўлишган экан. Ўзига ярашқили миллий либосидан театрнинг масъул ходими экани билиниб турган аёлга яқинлашиб сўрадим:

– Мана бу қаторда ўтирган ўқувчилар қаердан келишган?  
– "Ёшлар дафтари"га кирганлар. Барака топкур саҳий тadbirkorлар ҳомийлигида келишган...  
Мен эса ҳеч нарса дея олмадим, фақат дилимда бир сўз кета-кетганимча айланаверди: "Эҳ, эгасини топмаган ўриндиқлар-а, соҳибини топмаган саховатлар".

Ҳа, дарвоқе, гулни бош ролни маҳорат билан ижро этган актёр – "Шуҳрат" медали соҳибни Расулхон Қодирхонова бердим. Чунки "томошабинлар"нинг бундай бепарволиги ва шовқин-сўронларига сабр қилиб Навоий бўлиш осон эмас-да!

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,  
"XXI asr" муҳбири**

<p><b>Тахрир хайъати:</b> Ақтам ХАЙТОВ Диалода ШОУМАРОВ Шуҳрат БАҒОЕВ Мавлуда ХУЖАЕВА</p>	<p>MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI</p> <p><b>XXI ASR</b> IQTIMOVIY-SIVOISIY GAZETA HAFTALIK NASHR</p> <p><b>Бош муҳаррир</b> Норқобил ЖАЛИЛОВ</p> <p>Сирожидади САЙИИД Алхам ШОДМОНОВ Виктор ПАК Насимжон АЛИМОВ</p> <p>Фаррух ЖАББОРОВ Бош муҳаррир уринбосари</p>	<p>Тахририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73<sup>-</sup>уй.</p> <p>электрон почта: xxi_asr@umail.uz xxi_asr@mail.ru</p> <p>Ҳатфони: кўрутубона – 71 215-63-80 (тел.факс) Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-30.</p>	<p>"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўзгазилган.</p> <p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.</p> <p><b>Корхона манзили:</b> Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-3 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ. Буюртма рақами: Г – 451 Тираж: 3507 Баҳоси келишилган нарҳда. Топширилди – 18:00</p>	<p>Тахририятда келган кўпёзмалар тахрир қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.</p> <p>© "XXI asr" дан олинган маълумотларга мана сифатда газета номи кўрсатилиши шарт.</p> <p>Муаллифлар фикри тахририят нуктани назаридан фарқ қилиши мумкин.</p> <p>Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнёр</p> <p><b>Маъруфжон Раҳмон</b> томонидан саҳифаланди.</p>	<p>ISSN 2383-497X</p> <p>7 723 61 4 700 9</p> <p><b>НАШР КЎРСАТКИЧИ: 486</b> 123456</p> <p>Нашрият муҳрири: Баҳодир ИСРОИЛОВ</p>
---	---	---	---	--	--